Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 1 декабр | 25- сон

ТИКЛАНИШНИНГ БОРИШИ ВА ИҚТИДОРНИНГ МЕЗОНЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ САМАРҚАНДДАГИ СЎЗИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БЕРДИ

Шу йилнинг 21 ноябрида Президент Ислом Каримов Самарқандда бўлиб, кейинги йиллар ичида вилоятда юзага келган ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий аҳволни Ўзбекистон истиқлоли ва унинг жаҳонда эгаллаётган ўрни нуқтаи назаридан туриб ҳар томонлама таҳлил қилди.

Президентнинг нутқига қизиқиш шунчалар кучли бўлдики, халқнинг талаби билан у телевидениеда кетма-кет икки маротаба кўрсатилди. Таҳлилда жамият, халқ, одамларнинг кўксиларида йиғилиб қолган ўта дардли, ўта аламли масаламу аммолар рўй-рост очиб ташланди. Таҳлил жуда кескин бўлди. Сўзлар эшитган ва ўқиган барча холис ниятли кишиларни ларзага солди.

Шундай кескин танқидий сўз айтиш палласи етилган эди. Уни айтмаслик таъбир жойиз бўлса, эндиликда республиканинг шунчалар катта тарихий йўлга чиққан ерида кутилмаганда бир жойда тўхтаб, депсиниб қолиши билан баробар бўлар ёки кам деганда ўз-ўзини алдашга олиб келарди.

Президент ана шундай депсиниб қолишга ёхуд ўз-ўзини алдашга, кўзбўямачиликларга берилишга кескин қарши чиқди. Сўзининг бутун мантиқий шиддати ва ҳақиқати билан шу миллий ўсишга хавф солиб келаётган салбий ҳодисаларнинг олдини олишга бел боғлади. Бундай кескин таҳлил бутун жаҳоннинг кўз ўнгида бўлаётгани бизнинг ожизлигимиз эмас, аксинча кучлилигимиздир. Чунки кучли одамларгина аччиқ, аламли, драматик ҳолатлардан чўчиб ўтирмасдан, уларни ҳар жиҳатдан танқидий кўздан кечириб, йўлни тўғрилаб олишга, қийнайишлардан батамом қутулишга, мустақиллик иқтисоди, маданияти, маърифати, тафаккурининг янги марраларига чиқишга муяссар бўладилар.

Кучли ижтимоий танқид бўлмаган ерда аввал киши билмас нуқсонлар каттариб, йўлимизда оғир тўсиқлар, тўғаноқларга айланиши ҳеч гап эмас. Биз ҳар томонлама турғунликка ботган собиқ жамият ва тузумдан чиқаётган мамлакатмиз. Бизга ҳеч бир жиҳатдан ва ҳеч бир ҳолда эндиликда ундай ижтимоий турғунликнинг ҳатто асари ҳам лозим эмас. Лекин ўша собиқ ижтимоий турғунлик таъбир жойиз бўлса, ҳали остонамиздан жуда узоқлаб кетган эмас. У агар образли қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг муқаддас мустақиллигимизни ёмон назар билан кузатиб турибди. Агар йўл қўйиб берилса, у ҳар қандай миллий мустақилликни ютиб юбориш, маҳв этишга тайёр. Содда бўлмайлик: у ташқаридаги маълум душмандан ҳам ёмонроқ ва хавфлироқдир.

Президент Каримов бу турғунликни — шу ўтмишнинг асоратини эшигимизга яқин келтирмаслик учун бутун куч-қувватни ишга солиб, Ўзбекистон мустақиллик карвонини жаҳон тараққиётига, эркин жаҳон иқтисодига, ривожланган жаҳон муносабатларига улаб юбориш, жаҳон карвонидан эндиликда ҳеч қачон узилмайдиган қудратга эга қилиш чораларини кўряпти.

Лекин ўтмиш таназзулот асоратлари бизни ўз чангалига киритишни жуда ҳам истайди. Бироқ у билади: соғлом, иқтидори етук одамларга унинг кучи етмайди. У чириган, эскирган, аянчли тусга кирган нарса-ҳодисаларни пойлайди. Таназзул асорати ўзига уларни иттифоқчи қилиш пайида бўлади.

Президент таҳлили жуда соғлом фикрга асосланади. Танқидий таҳлил бизга кескин ва аччиқ туюлади. Лекин аслида таҳлил эмас, келтирилган барча рақамларнинг ўзи кескин ва драматик рақамлар. Уларни кечикмай, пайсалга солмай, андешавозликка бориб ўтирмай ўз вақтида очиб ташлангани, илмий-иқтисодий, фалсафий таҳлил қилиб берилгани бощданоқ ишларни қатъий ўнглаб олишга йўл очади. Бу рақамларни бошқача изоҳлаш, бошқача талқин қилиш мумкин эмас. Уларни халқ ўртасида туриб шундай тушунтириб ва тўғри изга солиш йўлларини кўрсатиб ўтиш мустақиллигимиз ва Ўзбекистон жамиятидаги миллий соғломлик белгисидир.

Ана қарангким, ўтмишдан урчиб келаётган касалликларимиз оз эмас экан.

Президентни қаттиқ ўйлатаётган бу камчиликларнинг асосий сабаби нима?

Президент бунга ўз таҳлилида бирдан бир тўғри жавоб топади. Ростдан ҳам, кўрсатилган нуқсонларнинг ҳаммаси қандай бўлмасин, раҳбарликка бориб тақаляпти. Қатор-қатор раҳбарларнинг мустақиллик шароитида нўноқлик қилаётганларига, янги ишларни янги усулидоралар билан олиб боролмаётганликларида, эскилик усулларга ёпишиб олганликларида намоён бўляпти бу камчиликларнинг бари.

Германияда мансабдорларнинг уч: юқори, ўрта, қуйи бўғинлари бор. Германияда мана шу уч бўғин мансабдорлар халқни халқ қилиб, уни метиндай бирлаштириб, ҳар соҳия, ҳар қадамда Германия манфаатларини кўзлаб турадилар. Энг қуйи бўғин мансаблар бизнинг маҳалла оқсоқоллари, жекларнинг бошлиқлари ва хизматчиларига тўғри келади. Шулар ҳар қандай шароитда оғирми-қийинми, енгилми-чигалми — фарқи йўқ — Германияни Германия, немисни немис қилиб турадилар. Ўз вазифаларидан заррача оғишмайдилар. Ўз вазифаларини бир эум бўлсин унутмайдилар. Улар вазифалар ичида халқни ва халқ ичида вазифаларни кўрадилар.

Германия иккинчи жаҳон урушининг бундай қараганда ўнглаб бўлмас қултепаларидан қайта бунёд бўлди. Буни ҳеч муболағасиз немис мўъжизаси деб атаса арзийди. Мана шу немис мўъжизасини яратган аввало, мана шу уч бўғин каттакичик мансабдорлар бўлади. Улар халқнинг бошини қовуштиришда мислсиз ишлар қилдилар. Халқ ларнинг саъй-ҳаракати билан қултепага айланган ерда яна дунёнинг энг жозибадор мамлакатларидан бирини яратди.

Бизнинг катта-кичик мансабдорларимиз Германия мансабдорлари каби бўлолмайдиларми? Бунга кучлари, иқтидорлари етмайдими?

Нега бўлолмасинлар? Нега кучлари етмасин?

Ўзбек халқи меҳнаткашликда немис халқидан қолишмайди. Балки ўтар ҳам. Мен ҳозир деҳқонларимизнинг қилаётган ғайратларини кўриб, етиштираётган ҳосилларига қараб, бозорларнинг кейинги икки йил ичида бунчалар мўл ва обод бўлиб бораётганлигини кузатиб шундай дейишга ҳақлиман. Ўзбекистонни шу деҳқон Ўзбекистон қилади. Фақат унга Президент такрор-такрор айтганидек, ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Буни мансабдорлар қилмаса, ким қилади? Халқ талантли, халқ меҳнаткаш. Лекин халқнинг талантини мансабдорлар очадилар. Халқнинг меҳнатини мансабдорлар рўшноликка айлантирадилар. Афсус ўтмишда бизда кўпроқ мансабдорликнинг ярамас шакллари, удумлари урчиб келди. Энди бизга ҳар қандай шароитда Ўзбекистон ва унинг халқи, фаровонлиги учун жон куйдирадиган мансабдорлар керак. Ҳалоллик, поклик, ватанпарварликдан тоймайдиган кишиларгина мансабдор бўлсинлар. Шунда Ўзбекистоннинг давлатига давлат, кучига куч, бахтига бахт қўшилади.

МУҲАРРИР

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ВА МАТБУОТ

Тошкентда 23-24 ноябр кунлари Ўзбекистон ва Германияда оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги Жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти биргаликда ўтказдилар.

Анжуманда Ўзбекистон, Германия, Англия, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Малайзия сингари давлатларнинг давлат арбоблари, нойиблари, олимлари ва журналистлари қатнашдилар.

Конференцияда «Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари», «Оммавий ахборот воситалари ва демократия», «Оммавий ахборот воситалари ва техник имкониятлар», «Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикрининг шаклланиши», «Сиёсат, сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари» каби ғоятда қизиқарли ва ўта жиддий мавзуларда илмий маърузалар, мунозаралар ва давра суҳбати бўлиб ўтди.

Муҳокама давомида эркин матбуот демократиянинг қуроли, воситаси ва истеҳкоми деган фикр марказда турди.

Жаҳон ва хусусан, Германия эркин, мустақил матбуоти, радио ва телевидениесининг бугунги аҳволи, бой тажрибалари, улардан келиб чиқадиган назарий хулосалар борасида кенг, очиқ, эркин фикр алмашилди.

Германия матбуоти, радио, телевидениеси иш йўналишлари, усуллари, тажрибалари ғоятда ўзига хосдир. Германияда демократик тузум ва демократик фикрнинг ривожида эркин матбуот, мустақил радио ва телевидение алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, ҳозирда Германия ва Ўзбекистон, кенгроқ миқёсда олганда Европа мамлакатлари ва Ўзбекистон ижтимоий тараққиётнинг турли поғоналарида турадилар. Шунинг учун ҳам айтайлик, Германия, Англия, Франциядаги матбуот шароитини тўғридан тўғри Ўзбекистонга тадбиқ этиш, уларнинг ўта бой ва мураккаб тажрибаларини мамлакатимизга тўғридан тўғри кўчириб келтириш ўзини оқламаслиги табиий. Чунки бизнинг давлатимиз ечаётган бугунги муаммолар билан Европа давлатлари ечаётган муаммолар ўртасида анчагина ўзига хосликлар мавжуд. Европада айтайлик, матбуотда, радио, телевидение тамомила мустақил. Ўз фаолиятларини эркин олиб борадилар. Шунинг учун ҳукуматнинг фаолияти, олиб бораётган сиёсати, кенг спектрдаги ишларига доим ўз эркин муносабатларини билдириш ҳуқуқига эгалар.

Ўзбекистон Бош қонунида матбуот эркинлиги кўзда тутилган. Кейинги йилларда матбуотда хайрли ўзгаришлар юзага чиқмоқда.

Агар тоталитар тузумда эркин матбуот биз учун ҳатто орзу қилиб бўлмайдиган узоқликларда турган бўлса, мустақиллик шарофати билан эндиликда эркин матбуот, мустақил радио, телевидениега ҳам бемалол қўлимиз етади. Мустақил матбуот, радио, тедевидение бизга бегона, ёт эмас. У бизнинг мулкимиз. Фақат бунинг учун етарли иқтисодий, моддий, техник шароитларни яратиш керак бўлади. Бақувват, кучли хусусий капиталсиз ва кучли, мустақил фикрловчи журналист кадрларсиз тўла мустақил, матбуот, радио, телевидение ҳақида фикр юритиш романтикадан бошқа нарса эмас. Эркинлик, мустақиллик эса бизнинг истиқлол миллий мафкурамизнинг асосидир.

«МТ»



Султон АКБАРИЙ

ТУРКИСТОНДАДУР

Таг-томири шўтли, ўзаги шўтли,
Юраги ўчоқдай иссиқ ва ўтли,
Қўй кирган эшиги азалдан қутли,
Қимизли, қимронли, айронли, сутли,
Олмача анору марварид тутли,
Або-аждодимиз Туркистондадур,
Соғлом авлодимиз Туркистондадур.

Бир қучоқ, бир сийна, бир бағир-бовур,
Оқою арбобдай шайхига довур,
Қора олми, чилла, саратон-совур,
Шукроналик асраб қолди ҳайтовур,
Захни қочиришга кавлайди зовур,
Сангбур* Фарҳодимиз Туркистондадур,
Қадди шамшодимиз Туркистондадур

Чимда беданаси, боғда булбули,
Яйловда ўтови, қирда дулдули,
Тоғда оқ лоласи, ғорда сунбули,
Карнайгулидан то намозшомгули,
Жами жон Яратган оламин қули,
Ҳисли ўй-ёдимиз Туркистондадур,
Чиққан саводимиз Туркистондадур.

Симдан бўшаган қуш сайроқи бўлур,
Эркин тоғнинг тоши қайроқи бўлур,
Мустақил давлатнинг байроғи бўлур,
Бирлашган уруғу аймоғи бўлур,
Қарк тери қалқони, яроғи бўлур,
Ботир, шаддодимиз Туркистондадур,
Фикри озодимиз Туркистондадур.

Қирғизму, қозоқму, қорақалпоқму,
Туркманму тожикму — тугал бармоқму,
Туяси ўркачли, оти яйдоқму,
Қуёшнинг бетидай жўшқин, қайноқму,
Орол фожиаси аччиқ сабоқму,
Бутун зурёдимиз Туркистондадур,
Мулки ободимиз Туркистондадур.

Биҳамдиллаҳ, равшан кунлар бор экан,
Офоқ элчилари биродар деркан,
Тошкентга азимат айлаб ош еркан,
Ҳур миллатлар ўсган ва кўкрак керган,
Аҳд-сидққа салом берган, қўл берган,
Намоз, бомдодимиз Туркистондадур,
Илҳом, имдодимиз Туркистондадур.

Адл жомин баланд тут, эй фалаксоз,
Ҳақ лутфини нури иймон билан ёз,
Саодатманд қанча бўлса шунча оз,
Тикондан ҳам ғунча пайдо қилар роз,
Буғдой сўзга мана қаламу қоғоз,
Султон, бунёдимиз Туркистондадур,
Мақсад, муродимиз Туркистондадур.

* Сангбур — тошкесар (Навоий).

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

ОБУНА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Бу сизнинг янги газетангиз, миллий ҳаёт, миллий тараққиёт, маданий, маърифий, маънавий гўзаллик, сиёсий баркамоликка интилиш газетаси!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда Якка тартибдаги обуначилар учун:

нашр индекси — 64618

1 ойга — 22 сўм 15 тийин
3 ойга — 66 сўм 45 тийин
6 ойга — 132 сўм 90 тийин
12 ойга — 265 сўм 80 тийин

Ташкилотлар учун:
нашр индекси — 64619

1 ойга — 26 сўм 50 тийин
3 ойга — 79 сўм 50 тийин
3 ойга — 159 сўм 00 тийин
12 ойга — 318 сўм 00 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Якка тартибдаги обуначилар учун уйга етказиб берилган ҳолларда:

1 ойга — 17 сўм
3 ойга — 51 сўм
6 ойга — 104 сўм
12 ойга — 204 сўм

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент кутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга — 14 сўм
3 ойга — 42 сўм
6 ойга — 84 сўм
12 ойга — 168 сўм

Ташкилотлар учун:

1 ойга — 32 сўм
3 ойга — 87 сўм
6 ойга — 165 сўм
12 ойга — 318 сўм

Ташкилотлар абонент кутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга — 22 сўм
3 ойга — 66 сўм
6 ойга — 132 сўм
12 ойга — 264 сўм

ТУРКИСТОН ТАФАККУРИ

Дунё надур? У қайдан, қачон бошланган? Инсон борлиқни онглагунча йўқликка эврилар... Бироқ онгламоқ сафарини қўймас. Аждодларимиз ҳам оламни билмоққа кўп уринганлар. Халқ баётидаги бу оғриқли, оний умр надоматига йўғрилган сатрлар ҳам бунга мисолдир:

Сув келар... оқар кетар,
Тоғ-тошни йиқар кетар,
Дунё бир деразадир —
Ҳар келган боқар кетар...

Одам олам кўркига термулиб, сувларидан хўплаб, нурларида исиниб, шошиб ўтиб кетар экан, унинг узундир-қисқадир йўли бор йўлдошлари бор, маслаги ва маслакдошлари бор, миллати ва миллатдошлари бор. Йўлни ҳам аждодларимиз кўп ўйлаганлар:

Бу йўлдан ўтган яхши,
Йўл юриб кетган яхши,
Кезмоққа-ўзга ўлка,
Ўлмоққа Ватан яхши...

Аждодларимизнинг борлиқ, тирикликдан чиқарган буюк ҳикмати Ватан ва миллат муҳаббатидир. Айнан Ватан ва миллат, уларнинг инъикоси бўлган тупроқ ва тафаккур, тил ва тарих инсон бугунини кеча ва эрта билан боғлаб туради. Кечаси йўқ одамнинг эртаси йўқ, ўтмиши йўқ миллатнинг келажаги ҳам йўқ.

Туркистон — бугун туркий миллатимиз учун кечани эрта билан боғлаётган ғоядир. Туркистон орзуси кеча чоризм ва болшевизм мустамлакаси зулмидан қаддимиз дол бўлганда, руҳимизни алифдай тик тутиб турди. Туркистон жангари боболаримиз қурган салтанатлар шони, меъморлар тиклаган миноралар салобати, уламолар, фозилу шуаролар битган асарлар шавкати бўлиб зулм чўктирган кўнглимизни тоғ қадар кўтариб келди. Оёқ-қўлимиз, вужудимиз — мустамлака дунёсида, дилимиз, иймонимиз, хаёлимиз эса Туркистон хаёли билан эди, юртларимиз мустақил бўлди, хаёл ва ҳаёт бирлашди. Энди ягона Туркистон тилаги эртанги буюк кунимиз бўлиб кўринмоқда, халқимизни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Туркий халқларимиз тарихи қадим ва шонлидир. Чунки аждодларимиз руҳоният ва моддийлик ўртасида мувозанат сақлай олардилар. Улар уч қитъада, сарҳадсиз кенгликларда яшаганлар. Туркистон, Яқин Шарқ маркази бўлган Чин, Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросон, Шарқий ва Ўрта Оврупо, Болқон, Эрон, Озарбойжон, Кавказ, Онадўли, Рум, Ироқ, Сурия, Миср ва Шимолий Африқа ҳудудлари асрлар бўйи туркийларнинг умргузарлик ва истило майдонлари бўлган. Туркийлар бу кенгликларда бир қанча салтанатлар ва давлатлар барпо этганлар. Шомонийликдаги Хун ва Кўк-турк хоқонликлари, ислом даврида Салжуқий ва Усмоний султонликлар туркийларнинг жаҳоний ҳокимиятлари даврлари эди. Тарихчи олим Усмон Турон ҳақли равишда Оврупо хунлари, оқ-хунлар, Ҳазор, Уйғур ва Булғор, Ўғиз ва Қарлуқ хонликлари, мусулмон Итил булғорлари, Қорахонийлар, Ғазна, Хоразм, Миср, Сурия, Мамлук ва Ҳиндистон султонликлари, Туркистон, Ўрта Шарқ ва Олтин Урда хонликлари, Буюк Амир Темур, Бобурийлар, Сафавий салтанатларини шу тўрт буюк даврга дохил ҳисоблайди.

Туркийлар инсоният тарихида илк бор сиёсий иноҳ ва мафкуралар яратганлар, сиёсий ташкилотлари ва қўшин қобилиятлари билан устун келганлар. Ҳали исломиятгача ҳам туркийлар Узоқ Шарқдан Болқон ва ўрта Оврупогача ёйилган майдонда давр сура олдилар. Чин, Ҳиндистон, Эрон, Рум ва Бизонс салтанатлари ва ўлкалари чегарасидан ўтиб, музаффар бўлдилар, у ерларда ҳам сиёсий ва миллий таркиботларни майдонга келтирдилар. Аммо Туркистон барибир туркийлар тарихи ва аҳлининг маркази бўлиб қолаверди.

Туркийлар исломиятдан олдин ҳам Яратганнинг ягоналигига ишонганлар. Ҳеродотнинг таъбирлашича, шомонийликнинг тарихи милоддан аввалги XI асрга бориб тақалади. Шомонийлар замондоши, Бизонс тарихчиси Зеофилактос: «Туркийлар ерлар ва кўкларнинг холиқи бўлган ягона Тангрига ишонишади», — деб ёзган эди. Хунларда исломгача «Тангри» сўзининг ўзи мавжудлигиёқ иймоннинг далолатидир. Ўша давр ҳукмдорларига «тангриқут» унвони берилган, яъни Тангри қутлаган, ёрлақаган демакдир, бу туркийлар ҳокимиятни илоҳийликка алоқадор тушунганларини исботлайди. Мангу хон ҳам: «Биз фақат биргина Тангрининг борлигига, Унинг соясида яшаётганимизга ва Унинг амри билан ўлажагимизга инонамиз»,— деб айтганида кўк-турклар камол топтирган ишончни исбот этганди. Гарпини ва Парис ҳам: «Улар (туркийлар — К. Ҳ.) бир Тангрига ишонишади ва Уни «кўринган ва кўринмаган ҳамма нарсанинг яратувчиси» деб биладилар.

Давоми иккинчи бетда

ҚАРДОШЛАР БИРЛАШГАНДА

Пойтахтимиздаги муҳташам Туркистон саройида «ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ» муқаддас шиори остида улкан анжуман бўлиб ўтди.

Қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан келган муътабар олимлар, ёзувчилар, санъат намояндалари ўзларининг ўзбек биродарлари билан анжуман олдидан, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдилар. Бу билан улар халқларни чинакам саодатга элтувчи эзгу фазилатларни, миллатлар ва элатлар тарихи ва тақдиридаги муштаракликни қўйлаган улуғ боболаримизга ҳурмат бажо келтирдилар.

Таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ўзининг кириш нутқи билан қурултойни очиб берди. Сўнгра Марказий Осиё давлатлари президентларининг қурултой қатнашчиларига йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди.

Анжуман қатнашчилари Қурултой ташкилий қўмитасининг раиси Чингиз Айтматовнинг янги тарихий шароитда ижтимоий-маънавий муҳит ва маданият арбоблари масъулияти масалаларига доир сермазмун докладини катта эътибор билан тингладилар. «Биз ҳаммамизнинг қадрдон шаҳримиз бўлган Тошкентга олдимизда турган муаммоларни, орзу—истакларимизни, дилимизда анчайин тупланиб қолган ниятларимизни дўстона, холисона муҳокама қилиш, фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашиш мақсадида йиғилдик...» — деди Чингиз Айтматов. Чингиз Айтматовнинг фикрича Марказий Осиё халқлари маданият арбобларининг форуми худди ЮНЕСКОнинг бу ердаги филиалига ўхшаб кетади.

Анжуман қатнашчилари минтақа ва маданий илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни туздилар, ассамблея президенти бўлиб таниқли адиб Чингиз Айтматов сайланди. Узбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президенти этиб сайланди. Анжуманда иштирок этиш учун ташриф буюрган меҳмонлар уч кун давомида Узбекистон пойтахти ҳаёти билан чуқур танишдилар. Меҳнат жамоаларида санъаткорлар, ёзувчилар, кино ва театр ҳодисалари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди.

Тантанали кузатув чоғида «Тошкент бизни қайтадан бирлаштирди, энди бир-биримизни йўқотмайлик, бир-биримиздан узоқлашмайлик», деган сўзлар айтилди.

«МТ»

ҚАНДАЙ МУСИҚАНИ СЕВАСИЗ?

Тараққийпарвар жамиятнинг энг асосий вазифаларидан бири — маънавий баркамол инсон тарбиясидир. Маънавий баркамоллик эса, бир қадар ижобий ҳислатлар мажмуаси, турли соҳадаги билим ва кўникмалардан таркиб топувчи умумий маданият савиясидан иборат бўлади. Шулар ичида инсоннинг ахлоқий маданияти, турмуш икир-чикирлари орасида, хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, тезда кўзга ташланади.

Бу ҳақда кўпдан буён ўйлаб юрсам-да, уни қаламга олишга ҳафсала қилмас эдим. Мени чуқур ўйлантирадиган бу муаммога бошқалар деярли бефарқ муносабатда бўлишаётгандек... Ҳақиқатан ҳам шундай, яъни замондошларнинг ахлоқий маданиятидаги салбий ҳислатларга бефарқ муносабатда бўлиш.

Бошқаларга қандай туюлади айтолмайман-у, лекин мени ҳозирги ёш замондошларимизнинг мусиқавий хоҳиш-истаклари, дидлари ғарблашиб бораётгани ташвишга солади.

Телевизор орқали ўзбек мусиқаси тарғиботининг жонкуярларидан бири, истеъдодли мусиқашунос, ширинсухан бошловчи Ўғилой Акбарова билан, халқимизнинг суюкли ҳофизи, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодировнинг «Бир жуфт қўшиқ» рукнидаги мароқли суҳбати бўлмоқда. Суҳбатдан сўнг хонанда «Қўқон ушшоғи»ни маромига етказиб ижро эта бошлади. Қўшиқни тахминан 10-12 киши зўр эътибор ва мароқ билан тинглаб ўтирди. Уларнинг ичида уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар ва бошқа касб эгалари бор. Телевизор ўрнатилган шинамгина фойенинг тўғрисидаги хонадан 20-22 ёшлардаги ташқи кўриниши ҳушсурат, яхши кийинган бир йигит чиқиб «Ҳу, анувни пасайтириб қўйларинг», деди. Биз телевизор мурватини бироз пасайтириб қўйиб, қўшиқни мароқ билан тинглашни давом эттирдик. Орадан бир неча сония ўтгач, ўша йигит хонаси эшигини ланг очиб қўйиб, варанглатиб рок-мусиқа қўйди. Роҳатимиздан файз кетди. Мен бу билан рок-мусиқасини ва унинг йўлларини қораламоқчи эмасман. Рокнинг ўзига хос фазилатлари борлиги равшан. У жуда жўшқин, ғайратли, кўтаринки санъат. Ёшлар унинг шух ва ўйноқи эканлиги учун севсалар ажабмас. Биз ҳам студентлик йилларимизда Алла Пугачёва, София Ротару, Юрий Антонов, Демис Руссос, Карел Готт, «Бони М», «АББА» каби гуруҳларнинг шух қўшиқларини, Пол Мария ансамблининг чуқур ўйга толдирувчи оҳангларини севиб тинглар эдик. Лекин бу мусиқаларнинг соясида ўзбек мусиқасининг қолиб кетишини тасаввур ҳам этмас эдик. Шу боис уша пайтда ҳам Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев, Ҳабиба Оҳунова, Отажон Ҳудойшукуров, Жўрабек Муродовларнинг ижодлари билан ҳам тенгма-тенг баҳраманд бўлар эдик. Ҳозир эса, бундай вазиятни кузатмаяпман. Айрим ғарб мусиқаси шинавандаларини 8-10 йил мобайнида кузатиб, бу ўткинчи давр, миллий мусиқага бўлган иштиёқ, вақти-соати билан қайтади деган тахминим кўп ҳолларда оқланмади. Бу ҳам мени ташвишлантиради. Яна бир масала: балки бизнинг мусиқаларимиз ҳаддан зиёд мунглидир. Балки уларда шўхчанлик, жўшқинлик етишмас. «Дилхирож»даги мумтозлик билан қоришиб кетган жўшқинлик, «Андижон полкаси»даги шўхчанлик билан суғорилган қўйлар кам яратилаётганлиги бу масалани асл негизида ётгандир? Балки шу боис замонавий ўзбек қўшиқчилиги борган сари «туркчалашиб», «ҳиндчалашиб», айрим ҳолларда «ғарбчалашиб» бораётгандир.

Лекин аслини олганда бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Субъектив фактор шуки, аввало оилада фарзандларимиздаги мусиқий маданиятнинг шаклланиш жараёнига, уларнинг мусиқий қизиқишлари рангбаранг, бой бўлишига етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг устига миллий мусиқамизнинг хусусиятларини уларнинг онгига ўз вақтида сингдирмаётганлигимизда. Радио ва телеэкран орқали таралаётган қўшиқларнинг мазмуни, оҳанги ва ижро маҳоратига қўйиладиган талаб мезонларини қайтадан кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Улар юксак мусиқий дидларни тарбиялашга хизмат қилишлари керак. Шунингдек, йирик концерт залларида ўтказиладиган мусиқий тадбирларнинг дастурлари, овоз ёзиш студиялари ва уларнинг ўлкамизнинг турли шаҳарларидаги кенг тарқалган шоҳобчаларига ҳам шу жиҳатдан жиддий талаблар қўйилгани маъқул. Мана фаранг дўстларимиз «Шашмақом кечаси»ни ўтказишди. Бу мумтоз мусиқамизнинг қадрини кўрсатмайдими? Ўзбек мусиқа маданияти асрлар оша шаклланиб, сайқал топиб келган. Халқ қўшиқлари умрбоқийдир.

Тўғри, жаҳон тараққиёти мусиқий ҳаётда ҳам ўз аксини топиши муқаррар. Лекин ҳар бир замонавий ўзбек мусиқасида миллий руҳ сақланиб қолмоғи даркор. Маъмуржон Узоқов қўшиқларининг Дониёр Тошпўлатов ёки Аваз Олимов ижросидаги талқини фикримизча ҳозирги ёшларга маъқул бўлмоқда. Ёки Илҳом Иброҳимов ижросидаги ўзига хос замонавий талқинлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Замондошларимизнинг мусиқий маданиятини шакллантириш ишига янгича назар билан қараш, унга мос тадбирлар кўриш даври келди. Телевизорда ўзбекча мусиқа янграган пайтда иложи борича тезроқ бошқа дастурга шаҳд билан бураб ташлайдиган «шинавандалар» — бу аслида ўша мусиқий тарбиядаги камчиликлар натижаси. Миллий мусиқадан завқлана билиш ҳиссидан маҳрумлик маънавий кемтиклик аломатидир.

Асқарали СУЛАЙМОНОВ,
Халқ таълими аълочиси

Туркистон тафаккури

Давоми. Боши биринчи бетда.

«Дунёдаги жазолар ва мукофотлар Унинг амридир, дейишади»,— деб ёзишганди. Эҳтимол, туркийлардаги азалий Тангри инончи арабий заминда пайдо бўлган исломнинг айнан туркий заминда қадр топганига, Бухорий, Термизий, Нақшбанд, Замахшарий, Марғиноний каби буюк муҳаддислар, шариатчи ва тариқатчилар Туркистон фарзандлари эканига боисдир. Ривоят қилишларича, Имоми Аъзам Абу Ханифа ҳаж вақтида Аллоҳга топиниб, мадад сўраганларида, Хотифдан садо келади: «Токи қилич турклар қўлида экан, мазҳабингга завол йўқдир». Туркий ҳоқон Тўғрул бек: «Ўзимга бир сарой қурсаму, ёнига бир масжид иншо этмасам, Аллоҳдан уяламан»,— деган эди. Туркийларнинг буюк жаҳонгири Амир Темурнинг ҳам ислом, иймон йўлида қилган ҳаракатлари ҳайратлидир. Умуман, Туркий хонлар, саркардалар, олиму шуароларнинг исломият тарихидаги хизмати ва ўрни беқиёсдир. Ана шундай алп-лар Ватани-Туркистон сўнгги асрларда мислсиз жафолар чеккани қайғулидир.

Ҳозир жаҳон кенгликларига ёйилган туркий халқларнинг асл она юрти Туркистон бўлганини бугун барча далиллар исботламоқда ва шунинг учун ягона Туркистон истаги бугун ҳаммамизга янада қадрлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан «Туркистон — умумий уйимиз» шиорининг ўртага ташланиши — юртбошимизнинг жасорати, халқларимизнинг иродасидир.

Тўғри, қадим Хун, Кўк-турк, Уйғур каби туркий давлатларнинг Ўрхун теграсида жойлашгани сабабли анча вақтгача туркийларнинг она юрти Мўғулистон ҳисобланиб келди. Бироқ бугун тарихий, адабий ва лисоний маълумотларга таянган изланишлар туркийларнинг она замини, шубҳасиз, Олтой-Ўрол тоғлари ораси эканини исботламоқда. Тарихий манбаалар қаторида адабий ёдгорликлар ҳам асли-наслимиз Болқон, Орол ва Иссиқкўл ҳудудларидан эканини аён қилмоқда. Ўғизхон, Афросиёб каби ҳукмдорларга, Ўғиз, кўк-турк ва қорлуқларга доир ривоятлар, маълумотлар, хотиралар айнан шу ниятда яратилган. Сирдарё атрофидаги Афросиёб қурдирган ўғизларнинг пойтахти Янгикент ва бошқа манзиллар достонларда таъкидланади. «Ўғиз» достони Сирдарё атрофини тасвирлайди. Хитой манбаалари ҳам хунларнинг авлоди бўлган кўк-туркларнинг Олтой жанубида яшагани ва темирчилик билан машғул бўлганини қайд этади. Ривоятларга кўра Нуҳ пайғамбар дунёни ўғиллари — Хом, Сом ва Ёфасга тақсимларкан, туркларнинг аждоди бўлган Ёфасга Жайҳун (Амударё) дарёсининг ортини, яъни Туркистонни берган. Оқхунлар, ғарбий кўк-турклар, кейин ўғизлар ва қорлуқларнинг Сирдарё ва Иссиқкўл ҳавзаларида яшашлари ривоятларнинг тарихий асосини таъкидлайди.

Эроний салтанатлар, Искандар истилолари, араб лашкарларининг тазйиқи ва Мовароуннаҳрда сомонийлар давлатининг пайдо бўлиши туркий силсиланинг Шарққа силжишларига олиб келди, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Афғонистон ва Хуросон ҳамда Жайҳун наҳри туркий қавмларнинг азалий ва мангу ҳудудига айланди.

XI асрдаги буюк туркий ва салжуқий юришлар туркий салтанатлар чегарасини янада кенгайтиради. Зеро, XIII асрда Туркистон ёки Турк диёри (арз-ут-турк) бу ёғи Чин ва Ҳиндистондан у ёғи Рум ва сақлаб (словян) ўлкаларига қадар ястанганди. Бу дунёнинг тўртдан бири туркий аждодларимизга тегишли эди демакдир. Жайҳун наҳрининг икки қирғоғи ҳам туркийларга қараганини араб мутафаккири Жоҳизнинг «Хуросон лисони билан турк тили орасидаги фарқ Макка ва Мадина лаҳжалари ўртасидаги тафовутга ўхшайди»,— деган фикридан ҳам англамоқ мумкин.

Ушбу тарихий далолатларни келтиришдан муддао шуки, Туркистон нафақат унда яшаётган халқлар учун, балким дунёдаги барча туркийлар учун тарихий она заминдир, аждодлар бешигидир, унинг ягоналигини тикламоқ нафақат бугунги авлодларнинг ҳоҳиши, балким ўтган буюк аждодларнинг васияти, келгуси авлодлар олдидаги қарзимиздир. Чоризм ва болшевизм билан шиддатли олишган боболаримиз буни билардилар.

«Туркистон» атамасининг ўзаги бўлмиш «турк» сўзининг кенг тарих майдонига чиқиши XI асрда Кўк-турк давлатининг барпо этилиши ила боғлиқдир. Ҳали Урхун ёзувларигача хитойликлар бу қавмни — «тикиу», византияликлар «туркува» дейишарди. Араб ўлкаларида исломгача бўлган жоҳилия шоирлари ҳам (масалан, Аъшо ва Нобига сингари) ва кейинчалик ҳазрати пайғамбаримиз ҳам ҳадисларда туркларни «турк» деб атайдилар. Кўк-турк ҳоқонлари давлатларига қарши исён кўтарган ўғиз, туркаш, қирғиз улусларини ҳам надомат билан: «Ўз турк миллатим эди-ку»,— дейдилар («Турким будуним эрти»). Бу шундан далолатки, турк номи фақатгина кўк-турк ҳоқонлари хонадонларига ёки давлатига дохил бўлмай, балки барча туркий қавмларни бирлаштирган бутун бир миллатга тегишлидир. Ҳаттоки янада қадимийроқ оқ-хунлар кўҳна Эрон ва Араб манбааларида турк номи билан қайд этилган. I аср лотин муаллифи Помпеиус Ўрол (Ёйиқ) ва Итил (Волга) дарёлари орасида шу қавмнинг яшаганлигини айтади. Ҳатто машҳур синолог Де Грууд хунлардан олдин Хитой шимолида «тик» қавми бўлганлигини эътироф этади.

«Турк» атамасининг келиб чиқишини В. Томсон, Г. Немет каби туркшунослар уйғурча «қувватли» маъносидаги «турук» сўзи билан боғлайдилар. Мункакси ва Вамбери сингари олимлар эса «турк» сўзи «тўрамоқ» сўзининг илдизидан ҳосил бўлганини таъкидлайдилар ва низом, урф, анъана маъносидаги «тўра» сўзини ҳам шунга боғлайдилар, яъни «юрмоқ»дан — «юрук», «турмоқ»дан — «турук», «турк». Назаримизда, ҳар уч изоҳда ҳам ҳақиқат бор, зеро, «қувватли» (Томсон, Немет) бўлмаса, оёқда «тик» (Де Грууд) туролмас, «турук» (Мункакси, Вамбери), собит бўлмасди. «Тўралмоқ» эса яралмоқдир, демакки, холиқнинг яратган махлуқларидандир. «Кўк» сўзини кўк-турклар турк самовийлигининг шоҳиди сифатида қўшдилар. Усмонлилар салтанати асл маъноси ҳам «осмонли»дир.

«Туркийлар», «турклар» атамаси тарихи кенг қамровли эди. Арабларнинг аввал Аму, сўнгра эса Сир наҳрларининг нарёғида яшаган барча қавмларни ва мўғулларни ҳам турк санаганлар, чунончи Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қўшини ва фуқароси орасида кўплаб шомоний, қипчоқ, қангли улуслари яшагани ҳолда ғайримуслим турклару қорахитой ва мўғулларни ҳам «турк» аташади. Салжуқий ва усмонийлар ҳам томирларида оққан турк қонидан фахрланардилар. Мавлоно Жалолиддин Румий, гарчанд Онадўлидаги кўчманчи турклардан, айниқса, қорахонийлар исёнларидан дарғазаб бўлиб уларни бир ўринда «босқинчи» атаган эса-да, ўзининг туркийлигидан ғурурланарди, бир рубоийсида «Аслим туркдир»— дея турклиқни шарафлаган эди. Маҳмуд Кошғарий, Хоразмий, ҳазрат Алишер Навоийнинг туркий тилимиз ривожи борасидаги хизматлари беқиёдир.

Соҳибқирон ўзларини « амири Туркистон» атагандилар, «миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз» — деб фахр этгандилар.

Туркистон — ўтмишимиз ва келажагимиздир. У охирги икки асрда Чин ва Ўрусия ўртасида хомталаш бўлди. Аввал чоризм, кейин болшевизм бу юртни бўлиш йўлини тутиб келдилар. Ташқи зулм ички жаҳолат билан қўшилиб, мамлакатни чўктирди. Алихонтўра Соғуний «Туркистон қайғуси» асарида ҳақли ёзганидай: «...халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар. Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиш ва бор шароитдан фойдаланиш имкониятлари бўлмади».

Албатта, мозийда улкан салтанатлар барпо этиб, дунё саҳнининг тўртдан бирида от сурган туркийларнинг сўнгги буюк империяси Амир Темур салтанати бўлди. Темурийлар салтанатни бутунлигича ушлаб туролмадилар. Бунинг ички ва ташқи сабаблари ҳақида кўп айтилган, айтилмоқда ва яна айтилар. Ўрусия, Чин, Британия, Форс истилолари — ташқаридан, ноаҳиллик, тахт талашишлар, халқнинг маърифатдан йироқлашуви, сотқинликлар ичкаридан Туркистонни емириб келган. Аммо икки аср мобайнида Туркистон халқи ва унинг мустамлака аҳволига кўз тиккан жаҳондаги туркийлар ягона Туркистонни орзу этиб, курашиб келдилар. Бу жонбахш орзуни рўёбга чиқариш замондошимизнинг чекига тушмоқда.

Бугун чоризм Туркистонни босиб олгани тарихий ҳақиқатдир, «золим бойларидан безор бўлган» халқнинг босқинчиларни «қувонч билан» қарши олгани, Ўрусияга «кўнгилли» қўшилгани ҳақидаги афсоналарнинг умри тугади. Аммо, айтиш керакки, чоризм мустамлакачилигидан совет болшевизми мустамлакачилиги ўтиб тушди. «Оқ пошшо»лар анъанавий империячи босқинчилар эдилар — уларнинг мақсади янги ерларни босиб олиб, ҳудудларини кенгайтириш, асир халқларни ишлатиш, бойликларини талаш эди. Бу босқинчилик Доро, Искандар, Чингизхондан мерос оламгирлик даъвосидир. Аммо совет империализми идеократик салтанатдир. У Туркистон ерларини забт этиб, халқини асир этиш баробарида шу халқнинг қалбини ҳам забт этишга чоғланганди, совет тузуми халқни «бахтли» бўлишга мажбур қиларди, кимни севишни («Ленинни ва коммунистик партияни»), кимга сиғинишни («Кремлга!»), кимни ёмон кўришни («Бойларни!»), кимдан нафратланишни («Капиталистлардан!») ўргатарди. «Хоҳласанг — ўргатамиз, хоҳламасанг... мажбурлаб ўргатамиз»,— дейишарди. «Келинглар, бир чириётган аблаҳ капиталистларни кўриб, аҳволига кулиб келайлик»,— десанг, «фаровон совет юрти»дан ташқарига чиқаришмасди. Бугун билсак, чет элликлар «чириб кетаётган» эмас экан.

Мустамлакачиликнинг, шубҳасиз, яхшиси бўлмайди. Аммо чоризм халқнинг иззат-нафси билан анча-мунча ҳисоблашарди. «Туркистон» атамасини ҳам советлар тилдан йўқ қилдилар (дилда асрадик). Инқилобдан олдин «Туркестанские ведомости» чоп этиларди, «оқ пошшо»нинг вакили «Туркистон генерал-губернатори» аталарди... Болшавойлар ғояпарастлар сифатида Туркистонни беш республикага бўлиб ташлаганлари етмай, «турк», «туркий», «Туркистон» сўзларининг ўзини ҳам тилга олдирмадилар.

Бугун «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясининг юртбошимиз тилидан жаранглаб, халқларимиз дилида садо бергани, айниқса, Туркистон зиёлиларини бирлаштиргани қувончлидир. Зеро, зиёлилар тарихда ҳамиша ҳукмдорларни яраштириб, сулҳга ундаб, низолар оловини ўчириб келганлар. Ягона Туркистон ғояси зиёлиларга Матэ ва Билга ҳоқондан, Афросиёб ва Манасдан, Абай ва Жомийдан васиятдир. Сулҳпарварлик Ҳироту Самарқанду Кобул аро Бойқаро-ю Бадиуззамонларни яраштириб, эгарда юрган Навоийдан меросдир. Шоҳлар ҳатосини шоирлар тузатиб келганлар. Муқаддас ҳадисларда айтилганидай: «Шаръил уламо — зорул умаро, хайрил умаро — зорул уламо», яъни фозилларнинг ёмони ҳокимиятпарастидир, шоҳларнинг яхшиси маънавиятпарасти, уламоларга ташнасидир. Туркистон яна ўз шавкатини тиклайдиган кунлар келмоқда.

Ягона бўлсагина Туркистон мустамлака замонлари асоратларини енга олади. Туркистоннинг чекидаги асоратлар эса залворлидир:

сиёсий муаммолар — Афғонистон, Тожикистондаги биродаркушлик урушлари.

иқтисодий муаммолар — сув захираларининг танқислиги, Орол фожиаси, молиявий келишмовчиликлар, ҳисоб-китобдаги тўлов-товонлар, дунё йўлларига чиқиш;

маънавий муаммолар — йўқотилган мулкка эгалик туйғусининг қайта шаклланиши, янгича бозор онгининг уйғониши, асрий миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тикланиши, ҳаққоний диний эътиқод ва мутаассиблик (фундаментализм) тафовутлари...

Қолаверса, жаҳон олдида аждодларимиз шавкатига мос равишда ҳамжиҳатлик билан юз кўрсатиш, мустақилликни, биргаликда ҳимоя қилиш, Туркистон раҳбарлари ва халқларининг фарзи ҳам қарзидир.

Карим ҲАКИМЎҒЛИ

Фалсафий гурунг

Баҳодир Карим ИМИНОВ,
политология фанлари доктори,
профессор

МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТ

Манфаатлар мувофиқлашуви жараёнининг мафкуравий қирралари шахс ва жамият, фуқаро ва давлат манфаатлари мундарижасидаги мавжуд муштаракликни англашда аниқ кўринади. Жамият субъектларидан қай бирининг манфаати устиворлигидан мафкуравий муносабатлар мазмуни ва моҳияти келиб чиқиши маълум. Мафкура ва давлат функциялари обдан омуҳталаштирилган жамиятда ғоялар сиёсий кураш қуроли бўлиб хизмат қилишини яқин ўтмишимиз яққол кўрсатади. Тоталитар тараққиёт тажрибасидан аён бўлдики, ҳуқуқий меъёрлар инкор этилган тузумларда мафкура сиёсий ҳокимият вазифасини ўтаб, сиёсий ҳукмронлик учун амалий лигитим шароит яратиб беради. Бундай амалиёт мафкуранинг ўта сиёсийлашувини, сиёсатни тубдан мафкуравийлашувини юзага келтирадики, оқибатда иқтисодиёт ҳам мафкура ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Иқтисодиётга волюнтаристик, масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, уни сиёсатга, ўткинчи шиорларга ва ҳарбий мақсадларга бўйсундириш каби собиқ Иттифоқ ижтимоий-сиёсий ҳаётига хос хусусиятлар якка мафкуравийликнинг натижаси бўлган. Шу боис, мустақиллик йўлига ўтган ҳар бир республика халқаро майдонга нафақат сиёсий ва дипломатик жиҳатдан, балки иқтисодий томондан ҳам янгича муносабатларни намоён этувчи субъект сифатида кирмоқда.

Бугунги кунда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини тутган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг асоси қилиб иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш вазифаси олинди. Тараққиётнинг бундай йўли эски, самарасиз мафкуравийлаштирилган иқтисодий тизимни парчалаб, иқтисодий ўзгаришлар стратегиясини мафкурадан батамом ҳоли этишга, иқтисодиётни сиёсий мақсадларга эришиш қуроли тариқасида фойдаланишга барҳам беради. Зеро, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек: «Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим».

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, иқтисодий ислоҳотларнинг умумий стратегияси бўлмаса жамият тараққиётининг пировард мақсадини белгилаш қийин. Зарур маънавий-сиёсий шарт-шароитни яратмай туриб, иқтисодий, сиёсий, маънавий, социал муносабатлардаги туб ўзгаришларга одамларни тайёрламай туриб бозор сиёсатини сунъий тезлаштириш кутилган натижага олиб келиши у ёқда турсин, демократик ислоҳотлар ғоясининг инсонпарвар моҳиятини ҳам омма олдида бадном қилиб қўйиши мумкин. Одамларни қатъий ўзгаришларга хўжалик жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам тайёрлаш муаммосини давр долзарб қилиб қўйди. Негаки эскича тафаккур ва ёндашишлар одатини енгиш, тарихан таркиб топган турмуш тарзининг социал шаклу мазмунини, муайян вазиятларда туғилган тасаввурларни бартараф этиш мураккаб масаладир. Бозор сиёсатига мос руҳий шарт-шароит, дунёқараш, ислоҳотларга инсонларда ишонч шаклланиб, улар шунга мувофиқ фаолият қила бошлаган ҳолдагина демократик ўзгартиришлар стратегияси амалга ошади. Бу эса мафкуравий муносабатлар бошқарувини такомиллаштириш вазифасини кун тартибига долзарб қилиб қўяди. Мафкуравий жараён мундарижасида янгича шакл, услуб ва имкониятларни излаш бугун ҳал галгидан ҳам зарур бўлиб қолди.

Бугунги мафкуравий жараён мазмунида, мафкуравий муносабатлар мундарижасида ҳаётга ҳамнафас ҳолда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг барчасини кенг кўламда таҳлил этишдан ўзимизни тийиб, уларга хос баъзи томонларига тўхталмоқчимиз. Энг аввало шуни қайд қилиш керакки, ижтимоий барча соҳаларини қамраб тараққиёт жараёнини мушоҳада қилишликда умумий фикрни ишлаб чиқиш қуроли бўлган ижтимоий онгнинг универсаллашуви содир бўлмоқда. Албатта бу жараён индивидуал онгнинг кўп қиррали жиҳатлари тараққиётини инкор этолмайди. Асосий вазифа ижтимоий онг билан индивидуал онг орасида табиий тарзда ва ҳатто қонуний қабилда шаклланиб қоладиган номувофиқликни, қарама-қаршиликни бартараф этиб, ижтимоий манфаатлар ва шахсий манфаатлар муштараклигига эришишдан иборатдир.

Мазкур тенденция билан бир қаторда ижтимоий онгнинг «рационаллашуви» ҳам бугунги тараққиёт белгиси бўлиб, бу жараённинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд бўлади. Яъни, бу жараён бир томондан одамларнинг ишлаб чиқаришдаги ишчанлик хислатини шакллантиришга, воқелик ва вазиятни тўғри баҳолаб, ҳаракатнинг аниқ дастурига эга бўлишига имкон яратади. Иккинчи томондан эса, рационал тафаккур ва ҳаракат остида сохта ишчанлик яшириниб, прагматик фаолият таъсирида юзаки мақсадга мувофиқлик ҳаракатлари амалга ошади. Оқибатда, узоқни мўлжаллаган, истиқболга қаратилган дастурлар ўрнини тез самара берадиган яқин ва қисқа муддатли режалар эгаллайди.

Бу борадаги диққатга молик ҳолат бу ҳозирги ижтимоий онг ривожланиши жамиятдаги янги социал гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда мафкуравий муносабатларнинг тубдан янгиланишини тақозо этиб келганлигидир. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий вазифаси ҳокимиятнинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти каби тушунчалар мазмунида туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани табиий тарзда мафкуравий жараён моҳиятини ҳам ўзгаришини талаб қилмоқда.

Демократик ислоҳотлар жамиятдаги маънавий муҳитни соғломлаштириш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳаётимиз исботлади. Маълумки, қолоқ тасаввурларни, эскича тафаккурни бир зарба билан енгиб бўлмайди. Одамлар орасида иш олиб боришда мафкуравий «ялпи натижа» келтирувчи чиркин усуллардан, сафсата, расмиятчилик, сохта савлат, мавхум шиорларни тарк этиш кераклигини турмуш талаб этмоқда. Бу ҳолат тарғибот масаласини муҳим қилиб қўйиб, унинг зиммасига маънавиятни янгилашдек буюк вазифани юкламоқдаки, тарғибот инсонларнинг турмуш тарзига ўзаро таъсир этувчи муҳим воситадир.

Ижтимоий муносабатлар жараёнида ҳозирги даврда инсоншунослик илмининг илмий-амалий натижаларига асосланиб мафкуравий муносабатлар ҳам такомиллашиб, тарғиботнинг замонавий шакл ва услубларини вужудга келтирди. Мафкуравий жараёндаги ана шундай янгиликлардан бири социологик тарғиботдир.

Социологик тарғиботнинг бугунги ҳаётимиздаги муҳим вазифаси мустақиллик ғоясини юртдошларимиз онгига сингдириш, уларни бу ғояга эргаштириб бир мақсад атрофига жипслаштиришдан иборат бўлмоқда. Бу функцияни бажаришда ижтимоий амалиёт ва инсон фаолиятининг муайян қирраларини истиқбол идеали ҳамда стратегик мақсад билан боғлаш йўлларини излаб топиш муҳимдир. Президентимиз тўғри таъкидлаганидек: «...мақсадни белгилашдан ҳам мақсад сари олиб бориш учун тўғри ва оқилона йўл ва услубларни танлаш вазифаси минг карра оғир». (Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., Ўзбекистон, 1993, 166-б.).

Кишилар онгига, хатти-ҳаракати ва хулқига таъсир этувчи тарғиботнинг турли шакллари қатори социологик услуб ҳам ҳаётий қадриятларга муайян муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади. Бироқ бошқа усуллардан социологик тарғибот таъсирчанлиги билан фарқланади. Бу усулнинг моҳияти унинг асосида одамлар онгига маълум меъёрларни сингдиришда ўзига хос имконлар борлигидир. Жамият тараққиёти эҳтиёжлари, шахс ва жамият, фуқаро ва давлат манфаатлари мазмунан қатъий ўзгараётган ҳозирги вақтда социологик тарғибот ўзининг жонлилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Кўргазмали нашрлар, газета, кино, реклама ва айниқса, телевидение сингари кучли техник воситаларга эга бўлган бу услубнинг моҳияти турмуш тарзини тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлиб, бу вазифани ғоялар талқинига асосланган умумий мулоҳазалар ва хулосалар ёрдамидагина эмас, балки жонли образлар, бадиий воситалар орқали амалга оширади. Социологик тарғиботнинг ўзига хос муҳим хусусияти инсон ҳаётидаги муҳим жабҳалар — меҳнат, турмуш, бўш вақт каби категориялар таҳлилини меҳнатга ишонч ва ҳурмат, турмуш маданияти, бўш вақт самараси сингари туйғулар тарбияси билан боғлай олишидадир.

Инсон ва жамият муносабатларида моддий ва маънавий муҳит шахс онгига билвосита таъсир этади. Ижтимоий муносабатлар мазмунини белгиларман шахс, гуруҳ, жамият манфаати ва эҳтиёжлари соф ҳолда механик ҳаракат этмай, уларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд тузумдаги моддийлик билан мафкуравийликнинг муштараклиги доирасида амал қилади. Бу ҳолат тарғибот тизимида фақатгина оммавий ахборот воситаларигагина эмас, балки ишлаб чиқариш меҳнат жараёни, жамоа ҳаёти намунасидан ҳам самарали фойдаланишни тақозо этади. Инсон онгига яхшилик ҳақида сўз, ижобийликка ишора, фидойиликка чақириқ, ватанпарварликка даъват йўли билан таъсир этиш мумкин. Бироқ бу ишни сифатли маҳсулот, қулай иш жойи, дўстона муносабат, фидоий фаолият намунаси намойиши билан ҳам таъсирчанроқ, самаралироқ бажариш мумкин. Бундай функцияни фақат социологик тарғибот уддалай олади.

Социологик тарғибот ҳаётий матн асосида қурилса, муайян киши тафаккур ва турмуш тарзи мисолида ёритилса, омма онгига сингиши самарали бўлади. Аксарият аҳоли бу тарғибот мазмунидаги инсоний меъёрларни тўлалигича қабул этмаган тақдирда ҳам унинг айрим намунали ҳолатларини ҳаётий ўлчов қилиб олиши аниқ. Тарғиботнинг, бу услуби ҳақида сўз юритар эканмиз, унга муайян мавқе ва ўрин ажратиш билан бирга мафкуравий муносабат мундарижасидан тегишли жой олган ҳамда маълум таъсир кучини ҳаётда исботлаган бошқа тарғибот шаклларини камситмоқчи эмасмиз.

Ижтимоий муносабатларни моддийлик ва мафкуравийликнинг мантиқий яхлитлиги тариқасида тушуниш билан бирга, уларга муайян иқтисодий, социал, сиёсий ҳаёт ҳолати деб қараш ҳам керак. Зеро, бундай ёндашув моддий ижтимоий муносабатлар тақдирини мафкуравий муносабатларга хос қудрат — инсон иродасини идора этиш йўли билан маълум маънода ҳал қилишга ёрдам беради.

Ижтимоий муносабатлар моҳиятига мазкур ўлчовда қараш уларнинг ҳаракат мазмунига монанд мафкуравий муносабат шакллари фаолиятини талаб этади. Социологик тарғибот, бизнинг назаримизда айнан шу талабга мос келади. Негаки, у замонавий тарғибот имконияти ва воситаларини ўзида акс эттириб тарғиботнинг борки усулларининг такомиллашганлиги ифодасидир. Шу боис мафкуравий муносабатларни мукаммаллаштириш муаммолари борасида гап кетганда, биз алоҳида бу тарғибот шакли тўғрисида фикр юритдик.

Мафкуравий муносабатларнинг такомиллаштириш жараёнида жамоат фикрини ўрганиш, унинг натижаларини таҳлил этиб, уларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, омма онгида қайта ишланган ҳолатларгина мафкуравий муносабатлар бўлиб, уларнинг асосида билимлар ётади. Жамоат фикри ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида инсоннинг атрофдаги воқеа-ҳодисалардан бохабарлиги билан боғлиқ бўлиб, унинг асосини фуқаролар билими ва билимдонлик даражаси ташкил қилади. Назарий умумлашмалар ва эмпирик тажрибаларга таянган шахс бохабарлигидан одамлар орасидаги ижтимоий мулоқот натижаси ўлароқ жамоат фикри ўсиб чиқади. Жамоат фикрини ўрганиш масаласи тарғибот таъсирчанлигини ошириш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Жамоат фикри шаклланишида индивидга тааллуқли социал билим ҳолатининг мақоми ва мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Жамият тараққиёти моҳиятини англашда ижтимоий амалиётни категориялаштириш, талқин этиш ҳамда муаммолаштириш услублари инсон томонидан қўлланилади. Мафкуравий муносабатлар такомиллашувида бу ҳолатларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш самарали натижаларга олиб келади.

Жамият бошқарувида ва мафкуравий ишларни ташкил этишда кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва манфаатлари билан боғлиқ бўлган объектив омиллар инобатга олиниши керак. Булар ичига жўғрофий-иқтисодий ва жўғрофий-сиёсий вазият; социал-демографик ҳолат; миллий таркиб; этно-психологик хусусият ва маданий-маънавият даражаси киради.

Мазкур омилларни ҳисобга олиш бугунги кунимизда, айниқса, амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айнан шу омиллар Ўзбекистоннинг мустақил йўлидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий-мафкуравий тараққиётида инобатга олинган бўлиб Республика Президенти олга сурган тараққиётининг беш бош тамойилига асос бўлди. Иқтисодиётни ҳамиша сиёсатдан устун қўйиш ва уни мафкурадан ҳоли этиш, давлатнинг асосий ислоҳотчи бўлиб қолиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устунлиги, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш ғоясини олга сурган ривожланиш стратегияси қонуний қобилда мафкуравий жиҳатдан таъминланмоғи керак. Оптимал алоқалар, самарали муносабатлар ўрнатилиши ўта долзарб бўлиб қолган ҳозирги вақтда мафкура олдига инсон ва жамият, фуқаро ва давлат манфаатлари муштараклигини шакллантиришдек муҳим вазифа қўйилмоқда.

Бугунги кун мафкураси инсонпарварлик мафкураси бўлиб, унинг туб мақсади юртимизда инсоний жамият қуришдир. Мустақиллик мафкурасининг иқтисодий замини — мулк турфалилиги ва бозор сиёсати, ижтимоий асоси — синфлар ва социал гуруҳлар эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, маънавий негизи — фикрлар турлилиги ва дахлсизлиги, ҳуқуқий таянчи — инсон эркининг қонуний ҳимояси, сиёсий пойдевори эса — фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий тузумларнинг амал қилиши бўлиб, бу хусусиятлар мафкуравий муносабатлар моҳиятини белгилайди. Ислоҳотлар жараёнида маънавиятни янгилаш — масалалар масаласи бўлиб турибди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айтганидек: «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримиз удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!»

ТУРКИСТОН — ЯГОНА ВАТАН

УЛУҒ ЙЎЛДА

Буюк Чўлпоннинг 1920 йили Бокуда ёзган бир шеъри бор.

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Бош-учини таниб бўлмаслик излар.
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,
Буюк амал билан борамиз бизлар, —

деган сатрлар билан бошланувчи бу шеър «Шарқ қурултойи» муносабати билан ёзилган. Шоир бу шеърни 1926 йили «Адабиёт парчалари» тўпламига тайёрлар экан, унга «Улуғ йўлда» деб сарлавҳа қўйган. Агар 1920 йили Бокуда собиқ СССР таркибига кирган туркий республикалар зиёлиларининг илк бор ўз анжуманларига тўпланганларини эсласак, Чўлпоннинг ўз шеърини нима учун «Улуғ йўлда» деб атагани ойдин бўлади.

Ўзбек жадидлари асримиз бошида фақат маърифат ғоясини кўтарибгина қолмай, балки илм ва маърифат ёрдами билан халқни миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт босқичига олиб чиқмоқчи ҳамда Мустақил Туркистон федерациясини барпо этмоқчи эдилар. Аммо, Чўлпон тили билан айтганда, «чор ҳукумати вақтида ички Русия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустами Зол бўлгон» амалдорлар жадидларнинг бу йўлдаги ҳар бир хатти-ҳаракатларига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатганлар.

Лекин тарих ўз ишини қилади. 1917 йил февралида мустабид чор ҳокимияти ағдариб ташланди. Унинг ўрнига келган Муваққат ҳукумат Шарқ халқларига ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари учун муайян имкониятлар туғдирди. Бундан фойдаланган жадидлар аввало Туркистонда яшаган халқларни бирлаштириш ва тарих берган ғанимат фурсатдан миллий мухтор ё мустақил давлатни бунёд этиш ишига бел боғладилар. Ўзбек жадидларининг улуғ намояндаларидан бири Фитрат шу масалада айниқса жонбозлик кўрсатади. У «Ҳуррият» газетасининг 1917 йил 25 июл сонида босилган «Иттифоқ этайлик!» деган мақоласини бундай сўзлар билан бошлаган:

«Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдур. Чинда, Ҳиндистонда, ҳатто Африқода ўз юртининг саодати учун тириша турғон жамиятлар бор ва бу жамиятлар орасинда ...иттифоқлар, иттиҳодлар мавжуддир.

Туркистонимизда эса иш бошқачадур. Туркистонимиздаги синфлардан (ижтимоий гуруҳлардан — Н. К.) ҳеч бири ўзгаси билан қардошлик ҳолинда эмаслар. Уламо билан ёшлар, ёшлар билан бойлар, бойлар билан кўп орасинда айрилиқ бор, ёвлиқ бор. Ўз ораларинда ҳам соғлом бир иттиҳод, чидамли бир иттифоқдан асар йўқ!

Ер юзиндаги миллатлар ва жамоалар учун айрилиқ ва иттифоқсизликдан буюкроқ баломи бордур?»

Фитратни ўта ҳаяжонлантирган иттифоқ масаласи, шубҳасиз, Беҳбудий, Мунаввар қори сингари жадидчилик ҳаракати доҳийларининг публицистик чиқишларида ҳам жиддий равишда кўтарилган. Улар нафақат ўзбек халқи, балки Туркистон аталмиш бир пайтлар қудратли бўлган мамлакатда яшовчи барча халқларни бирлаштириш йўлида жон қуйдирдилар. Фитрат бу масалада бошқа маслакдошларига қараганда, айтиб ўтилганидек, айниқса фаоллик кўрсатди. У тилга олинган мақоласини бундай отаким сўзлар билан тугатган:

«Ай Туркистон мусулмонлари!

Тангри учун, пайғамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг, бирлашайлик; орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айрилиқлардан кўз юмайлик; ислом динининг биринчи буйруғи бўлгон қардошлик ва иттиҳод ўзбек болари билан боғланайлик; қўлни қўлга берайлик: ҳақ йўлинда, дин йўлинда, Ватан йўлинда, миллат йўлинда; жадидимиз, қадимимиз, мулламиз, бойимиз ва авомимиз бир ерда тўпланайлик; бирбиримизга кўмакчи ва мададкор бўлайлик. Янги Русиянинг ердаги саодат ваъдаларидан фойдаланурга тиришайлик, қардошлар!».

Орадан уч кун ўтгач, Фитрат яна «Ҳуррият» газетасида ўзининг «Юрт қайғуси» номли сочмасини эълон қилиб, унда «Шўрои ислом» билан «Уламо» жамиятлари ўртасида бошланган зиддият туфайли Туркистон халқларини ҳуррият сари етакловчи кучни кўрмай, фиғон қилди: *«Дунёни «ур-ҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тўпроғини кўкларга учира турғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?» деб нола қилди у. Аммо Фитрат, Чўлпон сингари, халқнинг беадад кучга эга эканлигини биларди. Шунинг учун ҳам у Амир Темур соҳибқирон руҳи халқ вужудида яшаётганлигига умид қилиб ёзди: «Йўқ, йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!... Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан.

ДИПЛОМАТИЯМИЗ ТАРИХИДАН

Амир Темур ва Йилдирим Бойазид ёзишмалари

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур ўзининг давлатчилик сиёсатида бир қанча Шарқ Ғарб мамлакатлари ҳукмдорлари билан кенг бир жуғрофий миқёсда халқаро дипломатик муносабатлар ўрнатган ва ёзишмалар олиб борган. Бу ҳақда Низомиддин Шомий, Ҳофизи Абру, Шарафиддин Али Яздий каби ўз даврининг машҳур муаррихлари, Ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо каби сайёҳлар ўз асарларида кўплаб маълумотлар келтирганлар. Булардан ташқари «муншаот», «мактубот» номлари билан машҳур бўлган кўпгина мажмуаларда ҳам Амир Темур томонидан йўлланган ёки бошқа ҳукмдорлар томонидан ёзилган бўлса ҳам, соҳибқирон сиёсати билан боғлиқ бўлган мактуб — номалар бизгача етиб келган. Улар дунёдаги китоб хазиналарида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ҳам сақланиб келмоқда, кўпгина қисми эса чет эл олимлари томонидан нашр этилган. Фикримизча, шундай нашрлардан энг мукаммали 1963 йилда Теҳронда нашр этилган «Аснод ва макотиботи тарихи-йи Эрон аз Темур то Шоҳ Исмоил» («Темурдан то Шоҳ Исмоилгача бўлган Эрон тарихий ҳужжат ва ёзишмалари») номи билан чоп этилган тўпламдир. Уни таниқли манбашунос олим Абдуҳусайн Навоий жамлаб нашрдан чиқарган.

Тўпламдаги ёзишмалар қарийб 230 ададни ташкил этади. Уларнинг битилган вақти XIV аср иккинчи ярмидан XVI аср бошларигача бўлган даврни қамрайди. Мактублар муаллифлари эса Моваро-унаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбойжон, Туркия, Араб давлатлари, Хитой ҳукмдорлари ҳамда шу ҳудудлардаги дин, тасаввуф, шариатнинг йирик намояндаларидир.

Мажмуадаги бевосита Амир Темур ва темурийларга мансуб мактубларга келсак, улар аввало соҳибқироннинг ўзи, сўнг унинг ўғли Шоҳрух, набираси Улуғбек ва улардан кейинги темурий ҳукмдорлар Абу Саъид Султон Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг охиригача мазкур мамлакатлар билан олиб борилган ёзишмалардир. Европа мамлакатларидан эса Амир Темурнинг Франсия подшоҳи Карл VIга ёзган хати ўрин олган.

Шуниси диққатга сазоворки, тасаввуф аҳллари ёзишмалари орасида машҳур адиб Абдураҳмон Жомий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорларнинг темурий шаҳзодаларга ёзган хатларидан бир нечтаси жой олган.

Умуман, мажмуадаги мактуб ва ҳужжатлар Шарқ давлатларининг XIV-XV асрлар ўзаро дипломатик алоқалари тарихини ёритиш учун мислсиз қимматли манбадир. Ундан ташқари бу мактублар маълум маърифий аҳамиятга ҳам эга. Шуларни назарга олган ҳолда Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида мазкур тўпламни институт хазинасидаги қўлёзмалар билан қиёсланиб ўрганишга киришилди. Аммо биз ҳозирча мазкур хатлардан Амир Темур ва Йилдирим Бойазид (Туркия султони) орасидаги ёзишмаларни келтирамиз. Улардан тўпламга киргани Амир Темурнинг олтита ва Йилдирим Бойазиднинг тўртта хатидир.

Хатлар ёзилган вақт ва жой кўрсатилган эмас. Аммо уларда эслатилган турихий воқеалар, шунингдек, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида кўрсатилишича, бу ёзишмалар 1400 йилдан бошланган. Амир Темур бу йили усмонли султон Йилдирим Бойазид давлатининг шарқий чегараларида жойлашган Арзинжон ва Сивос шаҳарларига яқин етиб борган. Озарбойжон, Ироқ ва Курдистонда ҳукм сурган жалоирийлар ва қора-қуюнлилар ҳукмдорлари Султон Аҳмад ва Қора Юсуф паноҳ излаб Йилдирим Бойазидга борганлар. Амир Темурга итоатда бўлган Арзинжон ҳокими Таҳуртан эса Бойазид тазйиқидан ҳимоя қилишни соҳибқирондан сўраган. Зоҳиран ана шу сабаблар асосида ёзишмалар вужудга келган, икки орада элчилар қатнаб турган. Бироқ музокаралар натижа бермаган, иш охири бориб 1402 йил июл ойида Анқара жанги билан якунланиб, Амир Темур аскарлари тўла ғалаба қозонган.

А. ЎРИНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз Амир Темур ва Бойазид ўртасидаги ёзишмаларнинг айрим намуналарини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз

Йилдирим Бойазидга Мактуб

Адолат шиор ва мукарримат осор, энг улуғ ва машҳур, қудрат ва шуҳрат қоидаларини белгиловчи, давлат ва иқбол қоидаларини ўрнатувчи, иззат ва саловат қудратининг (балқиб) чиқар жойи, мулк ва дин асарларини зоҳир этувчи, ғозийлар ва мужоҳидларнинг бошпанаси, қўллагувчи малик бўлмиш Аллоҳ лутфига (сазовор), қодир Аллоҳ иноятн билан сийланган, дину дунёнинг барчаси содиқлик ва бошдан-оёқ сидқу сафодан иборат бўлмиш субҳи содиқ сафҳаларидан соя ташловчи мақтовлар саҳифалари, ҳамда барчаси нуру зиёдан иборат бўлмиш ёрқин офтоб шуъалари каби латиф дуолар туҳфа ва ҳадя этилади ва беиллат ато этувчи Аллоҳдан — унинг сўзи улуғлансин ва қудрати ортсин! — амну омонликни келтириб чиқарувчи, икки томоннинг оралиғини ислоҳ этувчи ва тарафларни бирлаштирувчи бир сабаб яратишини илтижо қилиб қоламиз. У (Аллоҳ) бунга қодир ва ижобат этишга лойиқдир.

Ҳозирда мактуби шарифингиз улуғ мавлоно қозий Фаридуддин ва бахшилар (котиблар) акобирларининг фахри орқали етиб келди (Байт):

Агар замона шу сўзни эшитса,

Унинг латифлигидан таъзимга мойил бўлади.

Унинг лафзаларини мутолаа қилиш ва маънисидан огоҳ бўлишдан кўп мойиллик ҳосил бўлди ва у холислик ва содиқлик эшиклари очилишига олиб келди. Малаксифат зотингизнинг саломатлиги, давлат ишларининг интизомда эканлиги, ҳузур-ҳаловат ва иқболу ютуқлар учун Олий Тангрига — унинг улуғлиги ортсин! — шукурлар бажо келтирилди. Мактуби шарифингиз бошдан-оёқ мақбул, дилпазир, маъқул ва ёқимли бўлганлиги учун «Сўз дилдан чиққанда, шубҳасиз, дилга ўтиради» (мақолига) кўра, уни самимий ва бешубҳа деб топилиб, кўп мақтовларга сазовор бўлди. Назму насрдаги ибораларнинг барчаси шундай ғаройиб бадиаларки, қалбларни ўзига тортади.

Агарчи аҳвол ҳақиқати ва сўзнинг хулосаси илгарироқ Санқур Човуш ҳамроҳлигида борган Ҳожи Бойазид Фатҳ орқали юборганимиздек бўлса ва унга бирор нарсани қўшишни ҳеч бир жиҳатдан тасаввур қилиб бўлмаса, ҳамда тақдирга биноан, бу маъни қоидаларини ўзгартириб ва алмаштириб бўлмаса ҳам, аммо эндиликда дўстлик ва бирлик йўлида у маънини қувватловчи ва тасдиқловчи бир неча калимани бирлик қалами рақамига олинади. Ва у шундан иборат: сиз ёзибсизки, биз ва сиз жанобнинг орамизда бирор сабабсиз бир ваҳшат воқеъ бўлибди. Бу маънини сиз тўғри ёзибсиз. У шундай: чунки дунё ва ундаги нарсалар (орасида) икки ўртада бирон кечмишнинг воқеъ бўлишига сабаб бўладиган нарса йўқки, (токи) у мусулмонларга заҳмат етказса. Бу ҳаёт алдамчи лаззатдир. («Ол-и Имрон», 182-ойат).

Дунё тартиблари солиҳ кишининг одатларига қарши бўлса, солиҳ киши унга ҳамду санолар айтадими?

Сиз ота-боболарингиздан тортиб кофирлар ва дин душманлари билан жангу муҳораба қилиб келаётганингиз ҳақида ёзибсиз. Бу маъни ҳам биз учун равшан. Ва биз доимо шу маъни сабабли сизнинг хонадонингизга ишонч билан қараб келдик ва ҳозирда ҳам (дарахтнинг) шоҳлари аввал чанг-тўзонга булғаланади, кейин кўкариб-яшнаб кетади. Сув аввал лойқаланади, кейин тинади (байтининг) далолатича шундай бўлсинки, жанобингиз ҳеч бир хавотирсиз у диёр кофирларига қарши машғул бўлсинлар. Биз тарафдан эса жанобингиз томонга турли иноятлар ва мададлар қай бир важҳдаки муяссар бўлса, кўрсатилади, токи лаънати фаранг кофирларига қарши олиб бораётган жиҳодингиз савобидан бизга ҳам бир улуш бўлсин. Жанобингизнинг биз билан мувофиқлик ва холисликлари равшанлик топгач, биз Шарқ диёри кофирларига қарши олиб борган ғазотимиз савобидан сиз жанобингиз ҳам баҳраманд бўлурсиз. Орада элчилар ва калимачилар ўтган маликлару султонлар қўллаган тартиб ва расм-русумлар бўйича бориб-келиб турсинлар ва шу сабабли мусулмонлар амну омонлик беланчагида фароғатда ва ишонч билан ҳаёт кечирсинлар ҳамда турли-туман диний фойдалар ва мулкий нафлар ҳар икки томонда ҳосил бўлсин ва йиғилсин. Ёрдам ва тавфиқ Аллоҳдандир.

Яна ёзибсизки, агар сизнинг сўз ва пайғомларингиз вақт масалаҳати (юзасидан) бўлса, (улар орасида) тафовут йўқ. Асло; у мактубларда бирон бир ёлғон (шубҳали нарса) тасаввур қилинишидан Худо сақласин ва у сўзларнинг чеҳраси қасам жамоли билан безатилган бўлганлиги учун, Худо сақласинки, ёзганларимизга хилоф нарса зоҳир бўлса. Биз ва сизнинг орамизда Аллоҳнинг шоҳидлиги кифоядир. Аллоҳ сиз ва биз учун етарли шоҳиддир. («Юнус», 30-ойат).

Балки сулҳнинг дастурул-амали ва аҳдлашиш амри барчаси мактубларда зикр этилган ўша сўзлардан иборатдир. Дўстлик биносининг қурилиши ва бирлик маънисининг асоси у мактубларнинг мазмуни ва далилларидан муқаррар ва мустаҳкамдир.

Яна сиз хабар берибсизки, агар раббоний тақдир ваҳшат ғуборининг орамиздан бутунлай кўтарилишига қаратилган бўлса, сиз жаноб, биз билан Миср ҳокимлари орасида воситачилик қилишни зиммангизга олибсиз. Ҳар нимаики жанобингизга маъқул бўлса, унга ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо бизнинг дорилфанодан рихлат қилган Миср волийси билан — у муфсидлардан эди («Қасос», 3-ойат) — орамизда воқеъ бўлган хушунад жанобингизга маълум; у воқеада шариат, ақл ва урф бўйича қаралганда ҳам биз ҳақмиз, у киши ноҳақдирлар. Чунончи салтанатни бошқариш қоидаларидан ва жаҳондорлик расм-русумларидан хабарсизлиги оқибатида бизнинг турли-туман фазилатлар билан безанган, ҳасаб ва насаби покизалик ва тақводорлик билан уланиб кетган, Ироқи ажам уруғларидан бўлган Шайх Баҳовуддин Савожий бошчилигидаги яхши навкарларимизнинг барчасини шиҳодат даражасига етказган.

Агар эр кишининг назари тўғри бўлмаса,

Ажаб эмаски, у субҳидам шуъласига ҳам шубҳа билан қарайди.

Бу шайтон амалларидан бўлган гуноҳдир («Моида», 92-ойат).

Ундан сўнг жанобингизга маълум бўлган бир сабаб билан бизнинг кўкалдошимизнинг ўғли Отламишни боғлаб, маҳбус қилиб ҳибсда тутиб турибдилар. Қанчалик ваъз-насиҳатлар билан уни озод этишни илтимос қилдик, элчилар юбордик, фойдаси бўлмади. Элчиларни ҳам қатлга етказдилар ва унинг орқасидан ўйламасдан бордилар («Саффот», 67-ойат) ҳақиқатини зоҳир қилдилар. Натижада шу восита билан ғалабаёр лашкарлар Шом томонга ҳаракатга келтирилди. Ва ўша харобаликларнинг барчаси уларнинг қабиҳликлари сабабли дарвишлар (оддий халқ) бошига тушди. Аллоҳ таолога ҳамд бўлсинки, аҳвол бошланишидан то ушбу кунларгача жиддий бир сабабсиз ва аниқ ҳужжатсиз бирор мамлакатга юз тутмаганмиз. Ҳар бир содир бўлган кечмишда биз улардан ҳар бирини гуноҳига яраша жазоладик («Анкабут», 39-ойат) мазмуни зоҳир ва равшан бўлган. Шу билан бирга Мисрга юришга жазм қилган эдик, улар (Миср волийси) Ҳожий номли маҳрамларидан бирини бир донишманд билан бирга юбориб, илтижо қилибдилар-ки, «агар сиз Миср юришини тўхтатиб, Дамашқдан қайтиб кетсангиз, ҳали Ҳалабга етиб бормасингизданоқ Отламишни орқангиздан юборажакмиз». Бу сўзларига ҳам вафо қилмасдан ваъдаларига хилоф иш тутдилар. Қара, улар қандай ёлғончилар («Мажодала», 20-ойат).

Энди жанобингиз айтганидек, орада воситачилик қилиб, интиқом шуъласини пасайтирсангиз, бу сизнинг тўғри фикрингизга тааллуқлидир. Ҳар қалай аҳдлашув қоидаларини мустаҳкамлашга асосланиб, Отламишни юборсалар, агар улар тинчликка мойил бўлсалар, унда сен ҳам унга қайишгин ва Оллоҳга таваккал қилгин (Анфол», 63-ойат) мазмунича, жанобингиз нимани тўғри топсангиз, унга ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо Миср ҳокимини фарзандликка қабул қилдик деганингизни биз раво кўрмаймиз (Аюўғли «Муншаоти»да «раво кўрамиз» дейилган). Сизнинг хонадонингиз узоқ муддатлардан бери турли кишвару мамлакатларда динга қувват бериш ва тўғри шариатни ёйиш билан машҳур бўлишига қарамай, сиз шундай қул ва қулвачча билан яқинлашяпсиз. Бу амал тўғриликдан холидир («Худ», 48-ойат) биноан орангизда бундай бирлик шароитлари ва ўхшашлик ҳақиқати мумкин эмас эди. Дўстлик жиҳатидан биз бу маънини муносиб деб билмаймиз. Чунки Миср ҳокимларида ҳақиқатда мағрурланишлари учун асос бўладиган бирор қадр-қиймат йўқ. Яна уларни Султон ул-ҳарамайн (икки ҳарам султони) деб ёзишни ҳам муносиб ва лойиқ деб ҳисобламаймиз. Чунки Макка ҳарами — Аллоҳ таоло унинг шарафини ортдирсин! — Худойи таборак ва таолонинг ҳарамидир; Мадина ҳарами эса Муҳаммад Мустафонинг — у кишига энг яхши дуолар ва энг гўзал мақтовлар бўлсин! — пок ҳарами ва муаттар қабридир. Қандай қилиб, уларни бу икки ҳарамнинг султони дейиш мумкин?! Балки бу икки ҳарамнинг ходими деб аталишнинг ўзи ҳам улар учун катта саодат бўлади. Шу билан бирга ҳақиқатдирки, жанобингиз уларнинг мамлакатига тама қилиб ва уларни инкор этишга ҳозир бўлиб, баъзи вилоятларни уларнинг тасарруфидан юлиб олган эдингиз; энди эса, ҳар бир ашёнинг ҳақиқий моҳияти унинг зиддиятлари билан очилади (мақоми) мазмунича, уни фарзанд ва икки ҳарам султони деб атаяпсиз ва шунга яраша имтиёзларни ҳам жоиз деб билаяпсиз. Маслаҳатга кўра, бу маъни устида муколама қилиш муносиб эмасдир.

Менинг ва ўзингизнинг душманларингизни дўстларингиз деб билмангиз («Мумтаҳана», 1-ойат).

Яна (мазкур) хатнинг бошланишида қалам тилига олинганидек, у жанобнинг (яъни Темурнинг мактуби — тарж.) азиз мактубининг барча сўз ва калималарини маъқул ва дилпазир дебдилар. Биз Солиҳ ибн Жаноҳнинг иккита арабча байтини келтирганмиз. Бу маъни воқеликнинг баёнидир. Биз тўғри ёзганмиз ва нимани назарда тутганимизни биламиз. Аммо у тарафга юборганимиз мактубнинг иборатлари хилъати қасам безаклари билан тикилган ва безатилганлиги учун насаблар такаллуфини тарк этиш ва сўзимизни тасдиқлаш яхши ва тўғридир ва бу ушбудир:

Менинг битта отим бор, (уни) муҳаббатга содиқ вақтимда жиловлайман.

Яна битта отим бор, (уни) ҳалолликка аҳд қилганимда эгарлайман.

Агар сенда шу икки амал бўлса, сен тўғри одамсан,

Сенга зид бўлган эгриликка ҳеч ўрин қолмайди.

Яна жанобингизга маълумдирки, мулк ва мамлакатни бошқариш ишларида бир нозиклик бордир, унинг латиф томонлари кўп. Ҳозир биз эшитдикки, Аҳмад Жалойирий Бағдод ва ўша тарафларга қайтибди, шу сабабли лашкар амирларини у томонга юборилди. Бу маънидан Санкур Човуш воқифдир. Агар Аллоҳ таолонинг иноятн билан (амирлар) уни қўлга туширсалар, бу айни муддао. Йўқса, у қочиб у тарафларга юзланса, дўстлик вазифаси шундан иборат бўладики, келишувимизнинг қатъийлигига биноан, унинг у вилоятга киришига йўл бермасалар. Чунончи шу нарса ҳақдирки, тириклиги чеҳрасидан давлат нури ўчган, илоҳий назардан қолган, кунлар зарбидан ўқ еган ва бахтсизлик қўли уларнинг ҳаёти этагидан тутган, тақдир раддига учраган у кишилар қадами қай бир вилоятга етмасин, унинг келажаги қутлуғ бўлмайди. Шу билан бирга Аҳмад Жалойирий Қора Юсуфга нисбатан яхши қадхудозодадир. Агар унинг отаси амирлик ва бузургликка етишмаган бўлсада, унинг оталаридан уч-тўрт киши бу диёрда кимки қудратли ва ғолиб келса тортиб олаверади, деган нақлнинг ҳукмига биноан, мамлакат чеҳраси Чингизхон шуъласи юлдузлари уруғининг вужуди безагидан холи қолгандан кейин ҳокимлик ва амирликка етишдилар; Қора Юсуф (оталарига) келсак, улар қароқчилардирлар, ўғирлик, йўлтўсарлик, савдогарлар қонини тўкиш билан машғул бўлганлар ва бу бобда гапирса, гап тугамайди. Энди жанобингиз мусулмонлик ва диндорликдаги, ғазот ва жиҳоддаги шуҳратингиз билан улардек фасод маддаси ва азият унсурларини риоят қилиб кучлантиришингиз (қувватлашингиз) қандай муносиб бўлар экан? Чунончи, айтибдилар:

Нопокзодадан умид тутмангиз ҳеч, Занги ювган билан оқармайди ҳеч.

Аниқдирки, қачон бўлмасин, бадфеъллик хосияти ва тутуруқсиз табиат тақозоси (бора-бора) имкониятдан амалиётга айланади. Шу билан бирга эшитдикки, жанобингизнинг Арзинжонга юзланишининг боиси у (Қора Юсуф) экан. Ҳар қалай мамлакат яхшиланишининг ғамини емайдиган, бахтсизликка учраган бадҳоҳлар, амирлар ва маликлар бирор ваҳшатни келтириб чиқариш ва қудратни қўзғатишдан холи бўла олмайдилар; дўстлик ўрнатилишига, мустаҳкамланишига йўл қўймайдилар, доимо истайдиларки, дўстлик шарбати лойқаланса...

Бу муқаддимага биноан дўстлик ва ўзаро сулҳнинг сақланиши шундан иборатки, жанобингиз уни ўз ҳузурларидан инкор этиб, бу томонга жўнатсалар. Ёки ўз вилоятларидан қувиб чиқарсалар, токи содиқлик ва холислик манбаининг зилол суви унинг (Қора Юсуф) ваҳшат қўзғатувчи ва бузғунлик (ўзгартувчанлик) ғубори пайдо бўлиши шубҳасидан омон қолсин. Жанобингиздан бу маънидан бўлак бирор бошқа нарсани кутган эмасмиз ва кутмаймиз ҳам. Иншооллоҳи таоло кутилган нарса тақдирда белгиланганидирки биз ҳам Аллоҳ таолонинг иноятн ва қуллови билан Муҳаммад (пайғамбар) — унга Аллоҳнинг саломи бўлсин! — шариатининг барча мухолифларини ҳақ динга даъват қилиб, итоату бўйсиниш бўйинтуруғига киритдик. Улар жизя ва лашкар (солиғи)ни қабул қилдилар. Ҳозир бизнинг иродатимиз Аллоҳ таолонинг истихораси билан Олатоғ яйлоғи, Трабезун ноҳиялари томон давлат саропардаларини тикиш жойига ва ғалабаёр лашкарлар ўрдугоҳига айлантирилгусидир. Илгарироқ юборган хатларимизда ёзган эдикки, Арзинжон ва у тарафларга юришимиз муқаррардир: Энди эса жанобингизнинг элчилари етиб келиб, мактуби шарифни етказганларидан кейин (Арзинжонга) огоҳлантириш юборилди. Агар (у ерга) яқинроқ ҳаракат қилиб, мабодо фитна шуъласи турларидан биронтаси аланга олса ва сулҳ тузилмаса, мусулмонлар заҳматда қоладилар, шунинг учун бу ерда кутиб туриш, сулҳ тузиш ва дўстлик ўрнатиш учун қулайроқ. Ман фақат ислоҳ этишни ирода қилдим, бироқ унга қодир бўлаолмадим («Анфол», 1-ойат) биноан билдирилдики, сиз жанобнинг тўғри раъйингизга аҳвол кайфияти маълум бўлсин. Шу билан қисқа қилдик.

Аллоҳ бизнинг мамнунлигимиз. У ишончли ҳомийдир («Ол-и имрон», 167-ойат) ва Қандай гўзал бу мавло! Қандай гўзал бу кўмакчи! («Анфол», 41-ойат) Аллоҳнинг (иродаси билан) яхшилик ва ҳуррамликда тугатилди, муҳр босилди.

БОЙАЗИДНИНГ ЖАВОБИ

Рубъи маскуннинг Ҳумоюн подшоҳи соҳибқирон хусрав, жаҳон султонларининг султони, ижобат этувчи малик (Аллоҳ)нинг кўмаги билан қўлланган, давлат ва диннинг жилоси Темур Гурагондан — Аллоҳ таоло у кишининг улуғлик, иззату иқбол кунларини абадий этсин, умр ва шону шавкат йилларини давомли қилсин! — омонлик тумори, комронлик қўшимчаси, яъни хоқоннинг шараф китоби (мактуби) ва жаҳондорликнинг буюк хитоби раббоний илҳом ва осмоний ваҳийсифат нозил бўлди. Унга жавобан шаъни улуғ, ҳуррамлик бисотига лойиқ бўлган беҳисоб мақтовлар, чексиз дуоларни ихлосу ихтисос тарихидан йўллаб (бизни) дуо ва ниёзмандликка машғул деб билсинлар.

Ундан сўнг ўзининг қутлуғ тамомига етган номада шарҳу баёнини топган ва бирликка етказувчи навкарлар билан безанган тафсилотларни бир-бир мутолаа қилишда, иккита ҳикоятдан ташқари ҳаммаси ўринли экан. Ўртада сулҳ воқеъ бўлгандан кейин бу ҳайрихоҳнинг сиз олижаноб билан Миср азизини ислоҳ (сулҳ)га келтиришдаги воситалигини бу беиштибоҳ дўстингизнинг фойдасига деб билибсиз. Йўқ ва асло! Асл мақсадимиз мана шу мусулмонларнинг осойиши, хусусан, икки шарафли ҳарамда — Аллоҳ уларнинг шарафи ва улуғлигини орттирсин! — яшовчи мусулмонларнинг осойишидир. Бошқа нарса эмас. Агар шу мулоҳаза бўлмаганида биз билан (унинг орасида) ҳам сулҳ шаклланмаган ва Миср ва Шомни забт этиш осонлик билан амалга ошган бўларди.

Иккинчиси эса Аҳмад Жалойирийнинг Бағдод томон бориши ва агар қайтиб келса, мамлакатдан чиқариб юбориш ёки тутиш (ҳамда) Қора Юсуф туркман билан Элхон қурултойни юборишни таклиф ва қатъий талаб қилган экансиз. Бу маъни ҳам баҳона излашдан бошқа нарса бўлиб туюлмади. Чунки у номлари аталганлар узоқ муддатлардан бери биз билан яқин дўстлик танобига қўл уриб, сира ҳам мухолифат йўлига кирган эмаслар. Аҳвол шундайки, (улар) бир қаҳрамон кишварситон (мамлакатларни олувчи)нинг қаҳридан туртки еб, биздан ҳимоят излаб келдилар. Биз уларнинг узрини (сиз) яхши хислатли зотдан сўрашни истаган эдик, муяссар бўлмади. Шундан сўнг уларга озгина риоят қилиб, бизнинг мамлакатдан чиқиб кетишларига ижозат бердик. Улар тақдир тақозоси билан яна қайтиб келсалар, «меҳмонни иззатланади» (деган мақол) талабича уларга озор бериш усмонийлар тўраси1дан ташқаридир; балки айни шафқатсизлик, қатто иймонсизликдир. Чингизий Хулагу хон дор-ус-салом Бағдодни олиб, халифаи замон ал-Мустаъсим биллоҳни — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! — шаҳид қилган вақтида халифанинг амакиси Мисрга борган, Мисрнинг ўша вақтдаги азизи Бейбарс унга бундукдарий (меҳмондорлик)ни ўрнига қўйиб ва ёрдам бериб, беҳисоб лашкар билан Бағдод томонга жўнатган. У улуғ нуён Қарабуқо билан жанг қилиб, мисрликлар енгилгач, ҳар бир тараф ўз жойига қайтган. Халифаларнинг авлодлари ҳозиргача Мисрда яшаб келмоқда. У тўла ғалабадан кейин Хулагухон халифалик тахтининг ворисялари бўлмиш халифаларни (беришни) мисрликлардан талаб қилмади ва (уларга) илтифот ҳам кўрсатмади. Энди эса бу иккита қаноти синган, асалдан йироқ пашша ва ўз ошёнидан ажралган кабутарларда нима ҳад? Ва улар нима оладиларки, бу икки миллат хожаси савлати бургутнинг панжаси қўрқинчидан Хумо (Темур) билан ҳам парвоаз даъвосини қилсинлар. Ёки бўлмаса, дунёни забт этувчи фил ёнидан ўрин олиб ватан тутсалар. Бундан кейин уларнинг номларини тилга олишни ва булар каби камном шахсларни зикр этишни муносиб деб билмайман. Чунки биз (сизнинг) хумоюн хотирингизни битта-битта фалак зарбига учраган (кимсанинг) фикри билан озурда қилишни истаймиз. Агар улар қайтиб келсалар, биз уларга ёрдам бермасдан вақт ихтиёрига ташлаб қўямиз.

Бас, сиз олий жаноб бундай икир-чикирларга қўл силтаб, воқеан агар муроди шарифингиз ислом аҳлининг равнақи ва икки тарафнинг ислоҳи бўлса, Сивос атрофидан ишора қилинганидек, қўлингизни тортиб, амну-омонлик тадбирларига киришсалар. Бўлмаса, нимаики тақдирда (ёзилган) бўлса, ундан оёғимизни тортмаймиз. Амрингиз аъло. Вассалом валикром.

А. ЎРИНБОЕВ, Д. ВАЛИЕВА таржимаси

АМИР ТЕМУР: ТИНЧЛИК РАЙҲОНЛАРИ СЎЛМАСИН!

1. Тўра — усмонли турк давлатини бошқариш низоми



БУЮК СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИГА НАЗАР

Ҳеч сир эмаски, кейинги 130 йил мобайнида ҳукм сурган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм, ўтмишимизнинг бой тарихини холис ва кенг кўламда ўрганишимизга имкон бермади. Айниқса, машҳур ўзбек давлат арбобларини ва лашкарбошиларни оммалаштиришга тўсқинлик қилди. Ўз ватанига содиқ тарихий шахсларни халқ душманлари сифатида қоралаш одат тусига кириб кетган эди. Хусусан, Амир Темурни қоралашга алоҳида аҳамият берилганлиги жамоа аҳлига маълумдир. С. Бородиннинг Амир Темурга бағишланган романи шулар жумласидандир. Аммо, айрим таниқли адибларимиз қаттиқ таъқибларга қарамай, тарихий романлар ёзиб, мазлум халқнинг миллий ҳис-туйғуларини ва ватанпарварлигини уйғотишга хизмат қилдилар. Бу борада Пиримқул Қодировнинг Бобурга, Одил Ёқубовнинг Улуғбекка, Мирмуҳсиннинг Темир Маликка ва Мақсуд Қориевнинг Спитаменга бағишланган романлари катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик туфайли, соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш муносабати билан унинг ҳаёт йўлига бағишланган асарларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Мана шулардан бири, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан чоп этилган Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи ҳисобланади.

Хўш, бу асарнинг ижобий томонлари нималардан иборат?

Авваламбор, ундаги шахслар ва воқеалар мавжуд манбалардан олинган маълумотлар асосида уйдирмалардан ҳоли тарзда ёритилади. Шу боис асар ҳақиқий аҳволни акс эттириб, кишида узоқ ўтмиш ҳақида чинакам тасаввур ҳосил қилади. Унинг манбаи ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Зеро, муаллиф араб, форсий ва туркий тиллардаги қўлёзмалардан имкони борича кенг фойдаланган. Бунда, муаллифнинг ниҳоятда мураккаб ҳамда бой билим ва тажрибани талаб этадиган ўрта аср қўлёзмаларини яхши билиши жуда қўл келган. Романнинг структураси, яъни режаси билимдонлик билан тузилганлиги туфайли тарихий воқеалар бир-бирларига мантиқан боғланган ҳолда баён этилган.

Муаллиф романни Амир Темур давлатининг юзага келишидан олдинги, ниҳоятда огир ва азоб-уқубатли вазиятни ёритишдан бошлаб тўғри қилган. Унда амирлар исёни, эл-юрт дардига дармон, сарсон-саргардонликда, сўнгги олишув, орзунинг ушалиши сингари масалалар ҳақида фикр юритилиб, мамлакатдаги тартибсизликлар ва ўзаро қонли урушлар батафсил шарҳланган. Романда Амир Темурнинг мана шундай қалтис шароитда моҳир давлат арбоби ва лашкарбоши сифатида етилиши яхши ифода этилган. Амир Темур босқинчиларнинг зулми ва қаҳр-газабидан мисли кўрилмаган хўрлик ва талофотларни бошидан кечираётган юртдошларини озод қилишни кўнглига туккан эди. У бу йўлда нимаики лозим бўлса, шуни қилиб мамлакат мустақиллигини тиклаш учун жонини тиккан.

Асарда Амур Темурнинг ўзбошимчаликка ва парокандаликка қарши курашлари етарли даражада ёритилган. Ҳақиқатан ҳам Амур Темур ўзи бунёд этган давлатни ички ва ташқи хавфдан сақлашга алоҳида аҳамият бериб, қатор ҳарбий юришлар уюштирган эди. Романда мана шу мавзуларга бағишланган масалалар янги маълумотлар билан таърифланган. Унда Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши урушлари жонли тасвирланган. Шунингдек, Хирот, Калот, Туршиз ва Сейистондаги жанглар баён этилган. Бу тўқнашувларда Амир Темур қўшининг ҳарбий маҳорати ва санъати юқори босқичга кўтарилганлиги намоён бўлди. Кейинги саҳифаларда Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Араб, Шом ва Анқарадаги урушлар билимдонлик билан шарҳланган.

Муаллиф юқорида кўрсатилган жойлардаги жангларда Амир Темурнинг машҳур лашкарбоши сифатида гавдалантириб, елкаси ерга тегмаган ҳукмдор бўлганлигини кўрсатган. Соҳибқирон тарихда онда-сонда учрайдиган тенги йўқ давлат арбоби ва лашкарбоши бўлганлиги учун, қисқа давр ичида марказлашган ва қудратли давлатни тузишга муваффақ бўлган. «Амир Темур давлатининг шукуҳи ва шон-шуҳрати, — дейилган романда, — ана шу йиллари — XIV асрнинг 90-йиллари бениҳоя ортди. Қўшни мамлакатларнинг элчилари Самарқандга узлуксиз келиб турдилар, савдо карвонлари Моваро-уннаҳр ва Туркистон бозорларини мол билан тўлдирдилар».

Романнинг Амир Темур фарзандлари фаолиятига бағишланган саҳифалари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Буларга қараганда соҳибқирон уларни моҳир жангчи, ватанпарвар ва олижаноб кишилар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор берган. У ўз фарзандларини кўпчилик қаторида жанг майдонларига ташлаб, бошқаларга намуна кўрсатган. Улар ғуноҳ қилган бўлсалар, ота томонидан тегишли жазони олганлар.

Маълумки, соҳибқирон машҳур давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши сифатида маҳаллий манбалардаги эмас, балки Овруподa ҳам шуҳрат қозонган эди. Романда бу ҳақда ҳали қўпчилик билмайдиган маълумотлар келтирилган.

Хуллас, Б. Аҳмедовнинг романида Амир Темур буюк тарихий шахс сифатида тасвирланиб, унинг мураккаб ҳаёт йўли, мамлакатнинг мўғуллардан озод этиб, марказлашган, қудратли давлат барпо этганлиги тўла ифодаланган.

Муаллиф бой тарихий маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланиб, уларни синчковлик ва масъулиятни сезган ҳолда умумлаштириб, ҳар жиҳатдан сермазмун ва антиқа асар яратишга эришган.

Роман иштиёқ ва мамнуният билан ўқилиб, Амир Темур ва унинг даври садоси ва кўзгуси сифатида гавдаланиб турибди. Шубҳасиз, у темуршуносликка қўшилган ҳиссадир.

Ҳамид ЗИЯЕВ,
профессор

НАВОИЙ ВА ҚУРЪОН ҚИССАЛАРИ

Муҳаммад Ҳалим ЁРҚИН

Ровиё ҳажрларидин менга йўқтур кеча уйқу,
Қиссаи Ҳамза дегил
гоҳи-ю, гоҳ қиссаи Юсуф.
Алишер НАВОИЙ

Қуръони Каримнинг муҳим қисмларидан бири, унинг «қиссалари»дир. Муқаддас китобда келтирилган қиссалар ўзининг юксак инсоний мақсадлари ва покиза ўгитлари, тарбиявий хусусиятларга эга бўлганлиги учун кишиларни ўзига тортади.

Мазкур қиссалар инсон нафсининг поклиги, руҳининг гўзаллиги, ички дунёсининг ёруғлиги омили бўлиб, уни ҳикмат ва адаб дунёсидан баҳраманд қилади. Шунингдек, улар кишиларни эзгулик, тўғрилик, мардлик ва бошқа олий фазилатларга таргиб этиб, ифлослик ва пасткашликлардан узоқлаштиради.

Саҳобалардан бири Саъд ибн Ваққоснинг ривоятига кўра, Қуръон Макка шаҳрида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлиб, ул ҳазрат унинг муқаддас оятларини доим ўз суҳбатдошларига ўқиб берардилар. Бир куни уларнинг кўнгилларида қандайдир бир маломат топилиб, бундай дейдилар: «Агар Тангри таоло унда Амру ҳай (яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш) бўлмай, бизнинг кўнглимизни очадиган бирон қиссани ўз ичига олган сурани юборса, нима бўлар эди». Ушанда Оллоҳ ўз пайғамбарига хитоб қилиб бундай дейди: «Наҳну нақуссу алайка аҳсанал-қисаси», яъни биз сенга қиссаларнинг энг гўзали бўлмиш қиссани (Юсуф қиссасини) нақл қиламиз!.

Юсуф қиссасида пайғамбарлар, одамлар, парилар ҳақида сўз юритилади, подшоҳлар хулқ-атвори, бандалар одоби, олимлар фазли, жоҳиллар камчилиги, аёллар макру ҳийласи, ошиқлар шайдолиги, эр кишилар иффати, меҳнаткашлар ғамқайғуси ва шу каби амирлик ва асирлик ҳолатларидан нуқталар келтирилади.

Ушбу қиссада келтирилган 40 та ибрат, бошқа ҳеч бир қиссада мавжуд эмас. Шунинг учун Худованд уни «Аҳсанул-қисас» (қиссаларнинг энг гўзали, яхшиси) деб атаган.

Қуръони Карим қиссалари ўзининг юксак мазмун ва ғоялари, жозибаси ва ибратомузлигига кўра асрлар давомида ислом маданияти, шеъру адабиётида туганмас ва жўшқин илҳом булоғи бўлиб келмоқда.

Олимларнинг текширишларига кўра, Қуръонда 25 та пайғамбарнинг номи келган. Жумладан, ҳазрат Иброҳим номи 25 сурада, ҳазрат Исмоил номи 8 сурада, ҳазрат Нуҳ номи 28 сурада, ҳазрат Сулаймон номи 7 сурада, ҳазрат Довуд номи 9 сурада, ҳазрат Мусо 25 сурада, ҳазрат Исо 13 сурада, ҳазрат Яъқуб 10 сурада ва ҳазрат Юсуф номи 3 сурада зикр этилган.

Демак, араб, форс-тожик ва туркий халқлар шеъриятида ҳазрат Нуҳ, Иброҳим, Исмоил, ҳазрат Мусо, Исо, Довуд, ҳазрат Юсуф қиссаларидаги ҳодисалар, мавзулар, қаҳрамонлар ва хислатлар кенг қўламда қўлланилган. Жалолиддин Балхий (Румий), Саноий, Ҳофиз, Саъдий, Аттор, Жомий, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Атоий, Бобур, Машраб, Нодира ва бошқа кўп атоқли шоирлар Қуръон қиссаларидан фойдаланиб, чуқур мазмунли бадиий образлар яратганлар. Бундай шеъларнинг туб моҳиятини билиш, англаш, мазмунига тушуниш учун албатта Қуръон қиссаларини билиш зарурдир.

Улуғ бобомиз шоир ва мутафаккир Амир Алишер Навоий ҳам мазкур адабий анъанага қўшилиб, Қуръон қиссаларидан фойдаланган ҳолда жуда кўп сермазмун, ширали ва юксак бадиий тасвир ҳамда таъсир кучига эга бўлган шеърлар ёзган. Бундай шеърлар унинг «Хамса»си ва девонлари мажмуаси («Хазоинул-маоний») да кўпроқ кўзга ташланади. Навоий ижодиётини ўрганишда унинг асарларидаги ушбу муҳим қирра катта ва алоҳида эътиборга эга бўлиб, чуқур ва кенг илмий тадқиқотларни талаб қилади.

Биз ушбу мақолада мисол тариқасида ҳазрат Юсуф қиссаси билан боғлиқ баъзи бир ҳолатларни қисқача зикр этиб ўтмоқчимиз. Айтиб ўтганимиздек, «Юсуф қиссаси» Қуръон қиссаларининг энг чиройли ва ёқимлиси бўлиб, турли ўгит ва ибратлар билан тўладир. Ушбу можаро асосида бир қатор шоирлар асарлар яратганлар. Мазкур қиссадаги жуда кўп образлар, инсоний муносабатлар ва айниқса, «Юсуф гўзаллиги», «Канъон ойи», «Юсуф чоҳи», «Юсуф кўйлаги», «Бозорда Юсуфнинг сотилиши», «Зулайҳо севгиси», «Яъқубнинг ҳижрони», «Яъқубнинг кўр бўлиши», «Акаларнинг ёвузлиги», «Юсуфнинг туш таъбирлаши», «Миср Азизи», «Юсуфнинг поклиги» каби кўп ажойиб мавзулар ранг-баранг асарлар яратилишига илҳом бериб келмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз асарларида бу қиссага тез-тез мурожаат этади.

«Юсуф чоҳи (қудуғи)»: Юсуфни акалари Бобул чоҳига ташлаб, унинг кўйлагини қўйнинг қонига бўяб, Юсуфни бўри еб кетти деб, унинг отаси ҳазрат Яъқубга олиб борадилар. Қудуқ тагида қолган Юсуфнинг жамоли қоронғу чоҳни ёритиб туради. Навоий мазкур ҳодисадан фойдаланиб, ёр ҳуснини тасвирлашда ажиб бадиий санъатлар яратади.

Қоронғу чоҳда Юсуф, сен ёруғ
гулшан аро, тонг йўқ,
Бўлурлар жилвагар доим қамар
оқшом, қуёш кундуз.

ёки:

Киприкинг тушган кўнгул ичра
хаёлинг, эй пари,
Гўиё Юсуф иузул этмиш чоҳи
Бобул аро.

ва ё:

Ўқи захмин тан аро, юзи хаёли
ёритур,
Ўйла-ким Юсуф жамоли
равшан этқай чоғни.

Навоий шунингдек, ёр занахдонини тасвирлаб ёзади:

Ҳам занахдон даврида юз минг
асийр,
Чоҳида юз Юсуфи канъон асийр.

Мумтоз шеъриятда ёр жамоли Юсуф гўзаллиги билан таққосланиб баҳо берилади.

Навоий шундай ёзади:

Ҳуснга ушшоқ агар менча ҳалок
эрмас, не айб,
Ким киши ул юзни кўрмабдур
мени ҳайронча хўб.
Ҳуснидин тўймоқ эмас
мумкин-ки, беҳад хўб эрур.
Қўйғой эрдим бўлса эрди Юсуфи
канъонча хўб.

Умуман, Навоий ва бошқа шоирлар ёр ҳуснининг чиройи ва кўркамлигини Юсуф чиройидан устун қўядилар. Навоий айтади:

Тушта Юсуф ҳайъатин кўрдум
ҳабибим ёдидин,
Гўйи ул қолиб, бу руҳи маҳз учун
андозадур.
Гар ато Юсуф, ано бўлса
Зулайҳо фил-масал,
Мумкин эрмас, эй ҳабибим, сен
каби келмак халаф.

«Юсуф кўйлаги»: Ҳазрат Юсуф қиссасида Юсуф кўйлаги уч ерда ўзига хос учта хусусият билан зикр этилган. Биринчиси: унинг қонга бўялган кўйлагини акалари оталарига олиб борадилар. Иккинчиси: Зулайҳонинг таманно ва истагига қарши ҳазрат Юсуф қочиб кетаётганида Зулайҳо уни қувиб қайтариш ниятида орқа ёқасидан ушлаб тортган кўйлак. Учинчиси: Юсуфнинг тирик эканлиги маълум бўлгандан сўнг, отаси ҳазрат Яъқубга олиб борилган кўйлак; ундан Юсуфнинг ҳидини искаб, отанинг ожиз бўлган кўзи очилади. Қуйидаги шеърга диққат қилинг:

Кўнглагингдин-ким топар жон
дам-бадам Юсуф иси,
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак
аро бир торман.

ё:

Гуларуҳим ёди билан кўнглум эрур
гулга ҳарийс,
Ким берур Юсуф иси қон аро юз
пора қамийс.

ва ё:

Гулдин ул гуларуҳ исин топқон
Навоий очти кўз,
Ўйла-ким Яъқуб кўнглакдин ма-
ҳи канъон иси.

Ҳазрат Юсуф Зулайҳо талабига жавоб бермасдан қасрдан чиқиб қочаётганда, Зулайҳо унинг ёқасини орқадан тортиб йиртади. Аммо ўз тақсирини яшириш учун Юсуф менга ёмон ният қилган эди деб иддао қилади. Ушанда Миср ҳокими масалани кенгашга қўйиб ҳал қилмоқчи бўлади. Кенгаш аъзолари қуйидаги хулосага келишади, агар Юсуфнинг кўйлаги олдидан йиртилган бўлса, Юсуф гуноҳкор, аммо унинг кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, унда Зулайҳонинг ўзи гуноҳкор. Шундай қилиб Юсуфнинг гуноҳсизлиги исботланади, чунки кўйлак орқадан йиртилган эди. Навоий «Девони Фоний»да ушбу мавзуда қуйидаги шеърни ёзган:



Ҳамчу Юсуф то либоси
ҳастийм-мо пора шуд,
Чоки пийраҳан шуд охир, покий
домони мо.

Таржимаси: Юсуф каби борлиғимиз либоси йиртилгандан кейин, кўйлагимиз чоки, гуноҳсизлигимизнинг гувоҳи бўлди.

«Юсуфнинг кул қилиб сотилиши»: ҳазрат Юсуф қиссасига кўра, савдогарлар Юсуфни қудуқдан чиқариб олиб, Миср томон йўл оладилар. Улар Юсуфни бошқа қуллар қатори сотиш учун бозорга қўядилар. Юсуфнинг гўзаллиги бутун шаҳарга тарқалиб, одамлар тўдалашиб унинг томошасига келишади. Савдогар унга катта баҳо қўяди, лекин бунга қарамасдан Миср ҳокимининг хотини Зулайҳо уни кўп пул бериб сотиб олади.

Ҳазрат Навоий шеърларида ушбу ҳодисага тегишли образлар жўда кўп. Улардан қуйидагиларни келтирамиз:

Тарк этиб савдо, анинг
савдосиға тушмиш улус,
Кўргали Юсуф жамолин, сайр
этиб бозорға.

Навоий ўз ёрининг ҳусну чиройини Юсуф чиройидан устун қўяди:

Ғараз улдурки ҳабийбимға қул
ўлғой Юсуф,
Ҳусн бозорида ҳар нечаки ўзин
сотадур.

ё:

Висолинг байъида суд этмиш
ул тожир-ки Юсуфдек,
Агар минг бандаси бўлса,
барин бу важҳ учун сотмиш.

ва:

Истабон Юсуф жамолинг
қуллуғининг рутбасин,
Жилва кўп қилди сафо
бозорида ўзин сотиб.

«Ҳазрат Яъқуб ва Юсуф ҳижрони»: ҳазрат Яъқуб севикли ўғли ҳазрат Юсуфдан ажралиб қолиб, ҳижрон оловида куйди ва кўп йиғлаб, унинг фироқида икки кўзи ожиз бўлди. Навоий «Ҳажр» ва «Кулбаи аҳзон» каби тушунчаларни ўзининг шеърларида ҳазрат Юсуф қиссаси образидан фойдаланиб бундай дейди:

Бир Навоийнинг бузуғ
кўнглига эврул, раҳм эт,
Нетти чоҳи Юсуф этса
кулбаи аҳзонни тавф.

Ва:

На воқиф васл Мисри ичра
манзил айлагай шоҳий,
Гадодин-ким анға вайронаи
ҳажр ўлди манзилгоҳ.

Сафтер НАГАЕВ

Илк Туркий Роман

(И. Гаспралининг «Дорул-роҳат мусулмонлари» асари ҳақида)

Қримтатар халқининг дунёга машҳур фарзанди, улуғ маърифатпарвар ва ношир Исмоилбек Гаспрали айни замонда туркий халқларда романчиликни бошлаган таниқли адиб сифатида кенг оммага маълум эмас. Чунки унинг асарлари, хусусан романлари деярлик бир аср давомида нашр этилмади. XIX асрнинг охирида Русия ҳудудида туркий тилда ёзилган илк романлардан бўлмиш «Дорул-роҳат мусулмонлари» асари 1887 йил 25 январда «Таржумон» газетасида босила бошлади. Мазкур асар мусулмонлар ҳаётидан олиниб ёзилган туркий романларнинг биринчиси бўлиб, ўз даврида катта шуҳрат қозонди. Албатта, ундан бир йил илгари, яъни 1896 йили қозон татар адиби Мусо Оқйигитнинг «Мулла Хисамутдин» номли «халқ романи» нашр этилган бўлса-да, бу асар туркийлар ўртасида «Дорул-роҳат мусулмонлари»дай кенг тарқамади.

«Дорул-роҳат мусулмонлари» романи аслида «Франкистон мактублари», «Африка мактублари», «Аёллар ўлкаси» ва бошқа номлар билан яхлит асар ҳолида ёзилиб, «Таржумон»да бир неча йил босилди. «Мактубларнинг икки буюк қисми — «Франкистон мактублари» ва «Дорул-роҳат мусулмонлари»ни муаллиф алоҳида китоблар тарзида нашр эттириш ниятини биз 1889 йили «Таржумон»нинг рус тилидаги қисмида босилган шу эълондан билдик: «Ғоят кўп газетхонларнинг истагига биноан Мулла Аббоснинг «Франкистон мактублари» алоҳида китоб ҳолида нашр қилинади. Китобнинг нархи газета обуначиларига 50, бошқаларга 75 тийиндир».

Лекин «Франкистон мактублари» алоҳида китоб ҳолида шу йиллари нашр этилмади. 1903 йил охирларида газетада бу тўғрида яна хабар босилади. Аммо унда китобнинг қачон чиқиши аниқ кўрсатилмайди. Ниҳоят, 1906 йили Қримнинг Боқчасарой шаҳрида романнинг бошқа бўлаги, яъни «Дорул-роҳат мусулмонлари» нашр этилади. Кичик ҳажмдаги тўқсон бетлик китобнинг муқаддимасида Исмоилбек Гаспрали шундай ёзади: Тошкентлик Мулла Аббос ва Франсия саёҳатига кўра «Франсавий» деб аталмиш афандининг Франсияда кўрганлари «Франкистон мактублари» номи ила «Таржумон»да таб этилмишлер эди. Бу мактубларнинг иккинчи қисми айниқса аҳамиятли бўлиб бахтиёрона суръат маишати етишмиш жамияти муслимдан баҳс этдигига кўра, бу сафар муҳаррирнинг руҳсатила унга муқаддима берилиб ва баъзи ваъда қилинган боблар қўшиб «Дорул-роҳат мусулмонлари» номи билан рисола шаклида табъ этилмишди ва газетанинг барча муштарийларига кичкина ҳадя тарзида юборилди. Биз нингча, муаллиф асарнинг бадиий тилсимини, романтизм, экзотикаси ва шарқона тасвирини кучайтириш, китобхоннинг диққатини жалб этиш ва марағони орттириш мақсадида бош қаҳрамон номидан ҳикоя этадиган шахсини махсус тошкентлик Мулла Аббос деб атайди. Аммо бу тасодифан эмас эди. Исмоилбек Гаспрали шу йиллари Туркистон халқларининг ҳаётини диққат билан кузатар, мароқли воқеаларни «Таржумон» саҳифаларида ёритар, бу ўлкадаги қондош миллатларнинг яшаш тарзи билан танишиш ниятида эди. Унинг бу нияти фақат 1893 йили амалга ошди. Амир Саид Абдулҳаднинг таклифи билан Бухорода бўлган муаллим Самарқанд ва Тошкент маслакдошлари билан учрашди.

«Таржумон»нинг газетхонлари, ҳатто газета чиқарувини кофирлик ҳисоблаб, уни ўқимаган кимсалар ҳам ҳар бир сонда босилган бу роман парчаларига секин-секин мароқланиб, ўзлари ҳам сезмай газетхонга айландилар. 1893 йили таҳририятга Қозон шаҳридан келган бир мактубда шундай дейилган: «Ҳурматли муҳаррир афанди! Мулла Аббос исмли ходимингиз ҳозир қаерда, соғ-саломатми? Яна ёзадими? Унинг мактублари, газетани кофирлик деб ўқимаган кишиларни ҳам газетхонларга айлантирди. Мулла Аббос уларнинг юмулган кўзларини очмишдир. Биз бунга жуда севиндик».

Газетхонлар томонидан шундай мамнунлик билан кутиб олинган мулла Аббос асар давомида кўп мамлакатларни кезгани, кўп нарса кўргани, турли воқеаларнинг шоҳиди бўлгани ҳақида ҳикоя қилади. Тошкентлик мулла ҳамма ерда илм ва маданиятнинг ривожи, мусулмон дини, унинг тарихи ва келажагига қайғуради. Йигирма етти ёшли Мулла Аббос Франсиядан темирйўл билан Пиреней кезади, араб халифати даврларидан қолган ёдгорликлар билан танишади. Гранада шаҳрининг энг гўзал ва муҳташам саройларидан бўлмиш қадимий Элҳамрода бир ой давомида истироҳатда бўлади. Саройда кутилмаганда «Дорул-роҳат» номли муъжизавий бир ўлкага дуч келади. Дунёга номалум бу ўлка маданияти, илм ва техникаси ақлга баровар келмайдиган даражада ривожланганини кўради.

Одам ўтиши мумкин бўлмаган қоялар билан ўралган муаллифнинг хаёлий мамлакатида аввал 185 киши бор эди. Улар ақл-идроклари, чарчамай меҳнат қилишлари, азобу уқубатларга чидаб, ташқаридан ҳеч қандай ёрдам олмай, юксалган муъжизавий ҳаёт барпо этадилар. Унчалик катта бўлмаган бу мамлакатда тартиб ва интизом, тозалик ва поклик, гўзаллик ва дилбарлик, фуқароларнинг юксак маданияти ва ҳар жиҳатдан эркинликлари бош қаҳрамонни ҳайрон қолдиради. Мулла Аббос қаерга қадам босмасин, фақат янгиликлар, муъжизалар кўради. Буларнинг ҳаммаси мусулмон дини ва шариати ҳукмрон бўлган мамлакатда мавжудлигига қувонади.

Араб халифатининг тарихи билан теран таниш бўлган муаллиф қадимда бўлиб ўтган ҳақиқий воқеаларга асосланиб, китобхонни аста-секин хаёлот дунёсига олиб киради. Бу усул билан ўзининг дунёқарашини кечмиш ва келажак билан мантиқий боғлаб муаллиф ижтимоиёт дангизи қандай ирмоқлардан бошланиб, қудрати ортганини ишончли кўрсатади. Китобхон бу воқеалар билан танишиш жараёнида Русия ҳукмида кўп йиллар бўлган мусулмонларнинг фожиали ҳаётини эсга туширади. Бу билан муаллиф Испания қироли Фердинанднинг Андалусия мусулмонлари ерларини босиб олиш олдидан ўз баённомасида: «Имтиёзномага кўра исломнинг жони ва моли, дини ва масжиди, мадрасасига ҳеч қандай тўсиқ ва зиён бўлмаслиги ила шариат ва урф-одатларга хос бошқарилажаги ва истаган вақтларида жанубга ва ғарбга ҳижрат этишларига мухтор шарт қилиниб имзоланган эди» деган сўзлари билан Русия мусулмон ерларини қандай ҳийлакорлик билан босиб олганини англатмайдими? Лекин Испания «Андалусияни тамоман ишғол қилиб, кучли ва қудратли бўлгач аҳдномаларини йиртиб ташлаб, минг хил ҳийлалар ўйлаб топди. Масжидларда намоз ва азон ўқилмади, мактабларда таҳсил ва тарбия ман этилди, вақфлар талаф этилиб, исломнинг, қаноти кесилди. Бироз айби учун у мусулмоннинг сўзлаши ман этилар, моли талон этилар, ўзи ва бола-чақасини асир этар эдилар. Бундан Андалусиянинг у бошидан бу бошигача фиғон ва фарёд тутиб кетди... Шукур қилинадиган фақат бир нажот эса, у ҳам бўлса диёри мағрибга ҳижратга кетишга рухсат эди.

Шундай ҳол юз бердики, юз минглаб муслим... оч-яланғоч, юртларини ва бойликларини, ота ва аждодларининг маконлари бўлган қирларини ташлаб, ватанларини тарк этардилар».

Бу сўзлар муаллифнинг халқ бошига келадиган фожиаларни аввалдан кўра олиш қобилиятини кўрсатди. Асар 18-19-асрларда Русия империясининг ҳийлакорлик билан Қрим, Кавказ, Сибир ва Туркистонни забт этиши машъум воқеаларини рамзий тасвирлашнинг дастлабки намунаси эди.

Романнинг бутун мантиғи ва моҳияти—ватан ҳар нарсадан устундир, уни йўқотиш миллатнинг туганмас фожиаси деган фикрни юртни ташлаб кетаётган қондошларига сингиришдир. Шунинг учун ҳам мулла Аббос муъжизавий ўлкада уни турли йўллар билан олиб қолмоқчи бўлганларида, ўз ватанини бой-бадавлат , гуллаб яшнаган диёрга алмаштирмайди.

Романда тасвирланган баъзи воқеаларга кўра, мулла Аббоснинг саёҳатлари ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Айни шу йиллари Туркистон руслар томонидан босиб олинган, Гаспралининг Овруп саёҳатлари бошланган давр эди. Шунинг учун ҳам, «Дорул-роҳат мусулмонлари»да муаллифнинг таржимайи ҳолини эслатадиган воқеалар учраши ҳам табиийдир. Зотан, И. Гаспрали ўз асарларида фақат кўрган ва билган даврлар тўғрисида фикр юритган ва шу воқеларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини таҳлил қилган.

Бу асарнинг яна бир фазилати шундаки, муаллиф XIX асрнинг охирларида анъанага айланиб бораётган Овруп романчилигига тақлид этишдан қочади, туркий халқлар достонлари усулларидан усталик билан фойдаланади. Бундай усул туркий халқлар адиблари ўртасида отилган илк одим эди. Исмоилбек Гаспралининг қўллаган бу тажрибаси адиб туркий халқлар реалистик насрининг ирмоқ бошида бўлганини тасдиқлайди.

«Дорул-роҳат мусулмонлари» нашр қилиниши билан сезгир мунавварлар унинг аҳамиятини англаб вақтида тўғри баҳо бера олдилар. Роман нафақат Русия мусулмонларида бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш билан кутиб олинди. Туркий оламда роман қўлма-қўл ўқилди, тезда араб ва форс тилларига таржима қилинди. Аср бошида Истанбулда таҳсилда бўлган, эндигина адабиёт майдонига одим отган Абдурауф Фитрат 1912 йили уни форсийга ўгирган ва Бухорода нашр қилинган эди. Таассуфки, роман араб тилига ким томонидан таржима қилингани тўғрисида қўлимизда бугунгача ҳеч қандай маълумот йўқ.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, И. Гаспралининг бу романи ўзбек насрининг ривожига маълум таъсир кўрсатди дейиш мумкин. Чунки, 1914 йили вафот этган Исмоилбекнинг хотирасига Русиядаги 98 газета таъзия берган ва уларнинг муаллифлари ўртасида М. Беҳбудий, А. Авлоний, С. Айний, Ҳамза, Чўлпон, Тавалло каби ўз даврининг буюк зиёлилар бўлиши бу фикрни тасдиқлайди. Ҳамза араб мамлакатларига зиёратдан қайтганда, Истанбулда тўхтагани, Фитрат билан кўришгани, унинг таржимасида «Дорул-роҳат мусулмонлари»ни ўқигани бизга маълум. Балки шундан «Учрашув» ва «Янги саодат» романларини ёзишга киришганда, Исмоилбекнинг шарқона роман яратиш тажрибасига суянгандир? Худди шунингдек, Фитрат Истанбулда «Сайёҳи ҳинди» асарини ёзганда, «Дорул-роҳат мусулмонлари»дан илҳомланган дир? Ўн олти ёшида буюк муаллимнинг вафотига марсия бағишлаган Абдулҳамид Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида «Таржумон» газетасини эслагани бежиз эмасдир?

20-йилларда Исмоилбек Гаспралини қоралаш даври бошланганда, ўзбек миллий романчилигига асос солган Абдулла Қодирий «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 1 июлда босилган «Жасорат айб эмас» деган мақоласида «... Мусо Ҳоруллоҳ (Бегиев), Ризо ва Рошид қозиларнинг ҳамда Исмоилбекнинг (сўз И. Гаспрали ҳақида кетмоқда) қадрларини ва туз ҳақларини керагидай англамаган шарқ йигити орамизда бўлмасин демак истайман. Уларнинг хизматларини тақдирламаганлар телбалардир, бошқа нарса эмасдир...» — деб кескин ёзган эди.

Айни замонда «Дорул-роҳат мусулмонлари» И. Гаспралининг ягона романи эмас. Унинг бизга маълум «Юз йилдан сўнг, 2000-сана» деб аталган романи «Кун чиқди» номи остида илмий адабиётларда тилга олинди. Адиб бу асрда тинч йўл билан амалга ошириладиган инқилоб ҳақида сўз юритади. Инсоннинг аъмол-ҳаракати билан манфаати ўртасидаги теран боғланишни энг муҳим омил ҳисоблайди. У «инсонийликни олдинга қараб нима етаклайди?» деган саволни қўяди ва бунга «шахсий манфаатдорлик!» — деб жавоб беради: «Ҳар бир киши моддий ва маънавий фойда излайди. Ахлоқий тарбия ва сайлов ҳуқуқигача шунга суянади. Нима учун дунёга келдинг? Нима учун ўқийсан? Нимани хоҳлайсан? Ўзим учун яшайман, фойда излайман. Фойда истайман. Фойда ҳар нарсадан устундир».

Умуман И. Гаспрали асарларининг тақдири ҳам муаллифникидай мушкул бўлди. «Дорул-роҳат мусулмонлари»ни китобхонга қайтариш учун деярлик бир аср керак бўлди. Исмоил Керимов романни «Таржумон»да босилган матни асосида нашрга тайёрлади ва 1992 йили «Йилдиз» журналида эълон қилди. Бу асар вақтида туркий халқлар орасида қримтатар тилида қандай ёзилган бўлса, шундай таржима қилинмай ўқилган. Шунинг учун ҳам биз Исмоилбек Гаспрали нафақат туркий халқларнинг маорифини ривожлантиришда, уларнинг адабиётини ҳам янги погонага кўтаришда раҳнамолик қилганини мамнунлик билан қайд этамиз.

Исмоилбек ГАСПРАЛИ

Дорул-роҳат мусулмонлари

Карвонсарой хизматчиси нонуштага чой ва қаҳва ўрнига нон, ёғ ва сут олиб келди. Айтишларича, бу ўлкада чой ва қаҳва йўқ, бошқа ичимликлар ҳам бўлмас эмиш. Энди тамадди қилишга ўтирганимда, шайх Жалол ота кириб келдилар. Қўлларида каттагина тугун бўлиб, унинг ичида тоза қўйлаклар ва кийимлар бор эди.

— Буларни сенга олиб келдим, ўғлим, —дедилар. Бу, ҳақиқатан ҳам, жуда муносиб совға эди. Устимдаги кўйлак ва фрак кийимимдан бошқа бутун нарсаларим Гренадада қолган эди.

— Қандай ташаккуримни билдиришни ҳам билмайман, шайх ота. Мен учун ғоят олижаноб ва жўмардсиз.

— Булар сизга қози афандининг саломидир. Бизнинг меҳмонимизсиз, иншоолло, кўнглингизни ўкситмасмиз. Умидсиздан диёримизга тушганингиз, ўзингизга зарур уст-бошингиз йўқлиги бизга аёндир.

— Бу, мен учун буюк илтифот! Мошаолло, бўлсин бизнинг ўлкаларда, бўлсин Франкистонда ажнабий диёрига келиб қолган ғарибга бундай эътибор кўрсатилмайди. Дорулроҳатнинг ҳар бир одатига таажжубдаман, ўлканинг йўли ҳам ажабланарли, бу ҳужранинг ичидаги кўрганим қандил ҳам ғайритабиий, Оқшом ўзи ёнади, тонг отгач ўзи ўчади... Билмадим, шайх ота, бу ерда кўрганларимдан ақлим омасайди...

— Иншоолло, озмайди, ўғлим. Ҳали бизнинг ўлкада кўп нарсаларни кўрарсан, биларсан... Қози афандининг ҳузурига ташриф лозим. Агар кўнглинг тусаса, карвонсаройда ҳаммом бор. Ювуниб, кийимларингни кий, сўнг ҳазратнинг олдига бирга борармиз...

Камоли мамнунлик билан ҳаммомга тушдим. Шайх Жалол ҳужрамда қолди. Мармардан ясалган ҳаммомда тоза чўмилиб, покланиб, бу ернинг одатига кўра турли ёқимли ҳидли сувлар ва атирларни танамга суртиб, кийинган чиқдим. Энди маҳаллий мусулмонларга ўхшадим. Бозорга тушсам ҳам, ким эканимни билмаслар...

Ярим соатча ҳужрада истироҳатдан сўнгра шайх Жалол билан қози афандининг ҳузурига ошиқдик. Карвонсаройдан тўғри бозорга тушдик. Дўконларнинг аксарияти озиқ-овқатлар билан, бир-иккиси қизил мато ва зийнат анжомлари билан олди-сотди қиларди. Аёлларга доира шаклида қизил теридан экан. Аёлларнинг устида ўлканинг муҳри ва уч ҳазинадорнинг имзолари бор эди. Аёллар уч нав бўлиб, бир динор, ярим динор, чорак динор деб ёзилган эди. Дорулроҳат мусулмонлари ғайри ўлкалар ила ҳеч қандай савдо-сотиқ қилмаганларидан, тижорат учун тери аёллар уларга маъқул эди.

Бозор майдонидан ўтиб Тариқ бин Зиёд номидаги кўчага ва бекатга чиқдик. Андалусияга илк қадам қўйиб, уни ишғол қилган бу олий зотга ёдгорлик сифатида йўлга унинг номи берилибди, унга шундай шон-шараф муносиб кўрилибди. Бу йўлнинг бир боши бозор майдонида бўлиб, иккинчиси Абдураҳмон Салот майдони эди. Бу, Андалусиянинг энг машҳур халифасининг исми экан. Майдон унинг номига ёдгорлик бўлмиш. Ушбу майдоннинг атрофидаги муҳташам бинолардан бирининг олдида тўхтадик. Мармардан ясалган бу бинонинг жимжимадор эшиги устида олтин ёзувда куфий хатида «Бобо-ал-ҳуқуқ» деб ёзилган эди. Бу бир маҳкама ва қозихона эмиш. Ичкари кирдик. Билмадим, недандир қўрқа бошладим. Девонхонада қалин тўшак устида қози афанди, ўнг томонида котиб афанди ўтирар, эшик хизматчиси оёқ устида турарди. Бизлар унинг ҳузурида эдик. — Афандим, Элҳамрода учраган Мулла Аббос Туркистоний бу одам, —деб шайх Жалол мени қозига таништирди.

— Ҳуш келибсиз, меҳмон. Жаноб Ҳақ сизга роҳатлик ато қилсин, — деб, қози бизларни ўтиришга даъват этти. Рўпарасига ўтиб ўтирдик. Қози сўнгра деди:

— Дорул роҳатда яшашга ўрганганча, иншоолло, тинч-омон бўларсиз. Лекин сизга оталик этиб тайинланган шайх афандининг қараматида бўлишингиз лозим. Сизга ҳам қариндошлик, ҳам оталиқ қилар, лекин жуда ҳайратланмай, унга ғаргатли бўлингизки, жамоамиз аҳли таажжубланмасин. Эй, Туркистоний, сизга баъзи саволларим бор ва умид этарман, жавобингиз ҳақиқий бўлар. Диққатли бўлинг, ўлкамизда энг буюк айб ва жиноят ёлғон сўзламоқдир. Унинг жазоси ҳам жуда оғирдир. Ёлғончи қамоққа олинади, аммо қамоқхона очиқ туради. Атрофида минглаб киши бўлса-да, сўзлашишга бир одам ҳам тополмайди, унга ҳеч ким жавоб бермайди. Қози афанди мулойим, ёқимли сўзлар, лекин билмадим негадир ўз-ўзидан тикланиб, юрагимга қўрқиш тушди.

— Сўранг, афандим, билганларимни тамоман сўзларман, — дедим.

— Қайси диндасиз? (Котиб ёзишга ҳозирланди).

— Сизни ким тарбиялади?

— Ўн ёшимгача марҳума онам қўлида эдим, сўнгра мадрасага бердилар. Тарбиям ва билганим шу қадардир, афандим.

— Ҳуш, тарбиянгиз недан иборатир?

— Ҳазратлари, бизнинг юртумизда болага емак берарлар, кийим кийдирарлар, баъзида суқарлар, урарлар, насиҳат қиларлар, баъзида бошини силаб кўнглини кўтарарлар, эркалатарлар... Тарбиямиз шундайдир.

Бу жавобимга қози афанди ҳайрон бўлди, гўё мендан ҳайиққандай шайх Жалолнинг кўзига боқди. Бир сўз айтмади, лекин айтмоқчи бўлса, шундай дейиши шубҳасиз эрди: «Бундай ҳайвон каби ваҳший ва куйик инсонни бизнинг ўлкамизга нега олиб келдингиз?!» — деб ўлкаларди. Шайх Жалол

— Алҳамдулло, мусулмонман.

— Ёшингиз нечада?

— Йигирма еттида.

— Қаерликсиз?

— Шаҳри Тошкентли.

— Отангиз борми?

— Марҳумдир.

— Тошкентдан қачон чиқдингиз?

— Икки йил олдин.

— Тошкентда таниш-билишларингиз борми? Исмлари надир?

— Жалолдиддин ибн Тожалдин, Аҳмад ибн Али, Муҳсин ибн Латиф, Шарофжон ибн Охунжон, Маҳмуд Маҳиалдин хожа, Мулла Олим Йўлчибой, Шариф хожа.

— Етар, улар сизни билурларми?

— Билсалар керак, — деб жавоб берганимда, қози афанди котиб томонга бурилиб:

— Тошкентга бориб келганлардан сўраб билинсин, — деди. Котиб бу буйруқни ёзди. Хавф ва қўрқувим янада ортди. Қози ҳазратлари менга томон бурулиб:

— Сиз қаерда фанний таҳсилда бўлдингиз?

— Тошкентда мадрасада ўн икки йил сабоқ олдим.

— Неча фанни ўргандингиз?

—Арабий, форсий, сарф, наҳв, баён, бадиият, луғат, мантиқ ва тафсир.

— Яна нима ўқидингиз?

— Бошқа ўқиганим йўқ. Бизнинг мадарасаларда илмий, адабий ва дунё фанлари ўргатилмайди.

— Воажаб! Ўн икки йил таҳсилда бўлиб, ҳисоб, хандаса (геометрия), ҳукумоти таъбия, тарих каби фанлар кўрмадингизми?

— Шундай, афандим, кўрмадим.

— Балки илми санойидан, тиббиёт, муҳандислик, кимё ва меъморлик таҳсилида бўлгандирсиз?

— Бўлмадим, лекин Франса ўлкасида аксинча бир неча фандан сабоқ олдим.

— Франклардан қандай сабоқ олдингиз?

— Муҳтасар тарихи умумий, фанни жаҳоннома, илми ҳайвонот, ҳукумот ва бироз ҳисоб ва илм сиҳҳат сабоқлари олдим.

— Афандим, Шарқ ва Ғарбнинг орасинда тарбияда номаълум даражада фарқ бўлса-да, Мулла Аббос афанди ғоят ёқимтой ахлоқли бир одамдир. Шундайки, аминман унинг мусулмонларга зарари тегмас, — деди. Бундай ифодадан қози анча тинчланди ва мамнунлик билан сўроқни давом эттирди:

— Юртингизни нега тарк этдингиз, Франкистонга нега келдингиз? Туркистойлар Франкистонга саёҳат ва зиёрат этишга одатланмаганлари бизга маълумдир.

— Фран